



ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – OZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 28-FEVRAL, PAYSHANBA, 8 (798)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Президенти Жаҳон банки делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 февраль кuni Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги самарали шериклик жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йиллардаги изчил алоқалар ва конструктив мулоқот икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, уни янги истиқболли дастурлар билан бойитишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан ҳамкорлик самарадорлиги ва унинг инвестициялари ҳажми салмоқли даражада ошди.

Бугунги кунда банкнинг 4,5 миллиард долларлик имтиёзли молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилган ва оширилаётган қарийб 40 истиқболли лойиҳа ўзаро ҳамкорлик портфелини ташкил этмоқда.

Улар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, энергетика, транспорт, шаҳар ва коммунал инфратузилмани модерни-

зация қилиш, илғор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш каби кўплаб муҳим соҳа ва йўналишларни қамраб олган.

2020 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли Шериклик дастури доирасида ўтган йили банкнинг Директорлар кенгаши томонидан қиймати 1,4 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳалар маъқулланди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкнинг етакчи экспертлари солиқ тизими ва фуқаро авиациясини ислоҳ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Банк-молия соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналари ва агросаноат комплексини ислоҳ қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш каби

йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Иқтисодий кенгаш доирасида узоқ муддатли ҳамкорлик дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва банкнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини самарали амалга оширишга қаратилаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлари жаҳон фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилгани, суверен рейтинглари олингани ва халқаро рейтингни ошгани мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи эканини алоҳида таъкидлади.

Жаҳон банки Ўзбекистон ва бутун минтақанинг барқарор тараққиётига кўмаклашиш мақсадида мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр экани яна бир бор тасдиқланди.

ЎзА

Кўмиталар йиғилишлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи ялли мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Молия вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда республикада соҳанинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган 30 та сугурта компанияси мавжуд бўлиб, улар томонидан 2018 йил мобайнида тўланган сугурта тўловлари ҳажми 461,1 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 71 фоизга ошган. Сугурта компанияларининг инвестициялари ҳажми 2 триллион сўмни ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 35 фоиз кўпайган.

Шу билан бирга, ўрганиш жараёнида қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ижро этилишини таъминлашда камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Мажлисида мамлакат сугурта тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш борасида бир қатор асосли таклиф ва тавсиялар билдирилди. Бунда, аввало, қонунчилик базасини такомиллаштириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги қонунини янги тахрирда, "Мажбурий ва давлат мажбурий сугуртасини амалга ошириш тўғрисида"ги ва "Сугурта воситачилари тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳо-

латини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда республикада 608 мингдан зиёд ногирон бўлса, уларнинг 47 минг 598 нафари Тошкент вилоятида истиқомат қилади. Сўнгги икки йил мобайнида Тошкент вилоятида ногиронларнинг сони 5,8 фоизга ортган.

Мажлисида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Тошкент вилоятида қатор ишлар амалга оширилганлиги қарамай, соҳада қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, қонуннинг 10-моддасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар тегишли объектларни ногиронларнинг тўқинликсиз кириши имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлаш белгиланган бўлишига қарамайдан, вилоятда бекатлар, светофорлар ва пьедалар йўлакчаларини махсус мосламалар билан жиҳозлаш бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган.

Ун бир йиллик таълимга ўтилиши муносабати билан ихтисослаштирилган мактабларда синф хоналарининг етишмаслиги ҳолати юзага келмоқда. Хусусан, Янгийўл шаҳридаги 11-сонли ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда келгуси ўқув йилидан бошлаб 10 ва 11-синфларнинг очилиши режалаштирилаётганлиги сабабли ўқув хоналарининг етишмаслиги муаммоси мавжуд. Мактаб ногирон ўқувчиларни асосан касб-хунарга ўргатишга ихтисослаштирилган бўлишига қарамайдан, муассасанинг меҳнат таълимига йўналтирилган биноси авария ҳолатига тушиб қолган.

Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар ўқув дарсликлари билан етарли даражада таъминланмаган. Натижада мактабларда умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлардан фойдаланилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг деҳқонлар ва томорқа ер эгаларига МУРОЖААТИ



УШБУ СОНДА:

"Ёшлар иттифоқи ҳимоясига олинишга ишонган ёшлар янада талтайиб, тақрор жиноят содир этмаслигига ким қафолат беради? Умуман қафиллик хати асосан кимларга, қандай жиноят содир этганларга берилади? Қайта жиноят содир этганларга қафиллик хати бериладими?.."

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНЛАРГА қафолат хати берилмайди

2

ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Энди ишламаган... тишламайди!

3



ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

олиш мумкин, лекин...

4



СУРХОН БОҒЛАРИДА ГУЛ Тўқди ўРИК

8



Муқаддам судланганларга кафолат хати берилмайди

Сўнгги пайтларда ёшлар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида, хусусан ижтимоий тармоқларда кўп ва кўп гапирилмоқда. Бундай ҳолатлар тасвирга олинган лавҳаларни кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан киши. Албатта шахар бедарвоза эмас, бу каби хатти-харакатларни содир этганлар қонун олдида жавоб беришга мустаҳикдирлар.

Фақат бир тушунисиз ҳолат, хусусан айрим ижтимоий тармоқларда чала-чулла, баъзида шов-шувлар ортидан қувиб, аудиторияни кўпайтириш учун бирёқламалikka асосан ёритилган ахборотлар ҳалқимизда жиноят иштирокчилари ва уларга қўланилаётган жазоларга нисбатан қониқмаслик, норозиликни келтириб чиқармоқда.

Масалан, жиноят содир этган ёшга Ёшлар иттифоқи ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган кафолат хатлари, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, айбланувчининг қилган ишдан пушаймонлиги инobatга олиниб, озодликни чеклаш жазоси тайинланаётгани ёки жазодан озод этилаётгани ва ҳоказо.

Ўз навбатида бу каби баҳс-мунозаралар, қуйидаги саволлар тарозининг бир палласини босиб турибди: **“Ёшлар иттифоқи ҳимоясига олишига ишонган ёшлар янада талтайиб, тақдор жиноят содир этмаслигига ким кафолат беради? Умуман кафиллик хати асосан кимларга, қандай жиноят содир этганларга берилади? Қайта жиноят содир этганларга кафиллик хати бериладими?..”**

Юртдошларимиз қалбини ўртаган ҳақли саволларга батафсил жавоб олиш мақсадида **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши** апаратининг ҳуқуқий бўлим бош ҳуқуқшуноси **Гўзал ТУРСУНМЕТОВА** га мурожаат этдик ва қуйидаги жавобларни олдик.



– Ёшлар иттифоқининг судга кафолат хати кимларга берилади?

– Аввало суд залидан озод қилиш имкониятини берувчи кафолат хати жуда катта имтиёз, ишонч эканини эслатиб ўтишим лозим.

Президентимиз раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видео-селектор йиғилишида ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек, ёшларга суд томонидан жазо тайинлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизмини жорий этиш бўйича тақлифларни тайёрлаш юзасидан топшириқ берилган эди.

Шу муносабат билан ўша йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида “Ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида”ги меморандум имзоланди. Меморандумга кўра суд-

лар томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг ёшлар кафиллигига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизми жорий этилди. Ўз навбатида ушбу икки тараф ўртасида Жиноят иши судда кўрилаётган ёшларнинг шахсини, оилавий шароитини, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу шахсга ёшлар кафиллигини тақдим этиш тартибини белгилувчи қоидалар ҳам тасдиқланди.

Кафолат хати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Ёш Ҳуқуқшунослар Кенгаши томонидан судланувчи (ун тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошган 31 ёшга тўлмаган)нинг турар жойи, маҳалласи, ўқиш ва иш жойидан ижобий тавсифланган, етказилган зарар қопланган бўлиб, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ҳақидаги ёзма тилхати мавжуд бўлсагина берилади. Ёш Ҳуқуқшунослар Кенгаши судланувчи ёш (ёшлар)нинг жиноят ишлари кўрилаётганда уларнинг жамоат ҳимоячиси тарихида иштирок этиб, кафиллик бериш орқали уларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда иштирок этишни, қолаверса ёшларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўзининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Кафолат хати оғир жиноят қилганларга, тўғри йўлга қайтмаганларга ва турли диний экстремистик оқимларга кириб қолиб, соғлом турмуш тарзини йўқотганларга берилмайди, шунингдек, муқаддам судланганларга ҳам!

Номи қайд этилган қоидаларга мувофиқ Ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши томонидан жиноят иши кўрилаётган ёшларнинг шахси, оилавий шароити, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш орқали судда жамоат ҳимоячиси тарихида иштирок этиб, кафиллик бериш орқали уларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда иштирок этишни, қолаверса ёшларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўзининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бугунги кунга қадар ҳудудларда адашиб жиноят йўлига кирган, жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 502 нафар ёш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг кафиллиги асосида суд залидан озод қилиниб, судлар томонидан уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 9 нафар, Андижон вилоятида 10 нафар, Бухоро вилоятида 6 нафар, Жиззахда 46 нафар, Қашқадарёда 13 нафар, Навоийда 37 нафар, Наманганда 108 нафар, Самарқандда 66 нафар, Сирдарёда 24 нафар, Сурхондарёда 11 нафар, Фарғонада 28 нафар, Хоразмда 35 нафар, Тошкент вилоятидан 43 нафар, Тошкент шаҳридан эса 51 нафар ёш кафолат хати асосида суд залидан олиб чиқилган.

– Жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган ёки жазодан озод қилинган ёшлар билан ишлаш алоҳида масъулият талаб этади. Уларнинг жиноят кўчасига қайта қадам босмасликларини учун таълим-тарбияни янада кучайтириш, банализини таъминлаш, умуман назорат жуда муҳим, шундай эмасми?

– Албатта, мазкур тоифа вакиллари билан профилактик ишлар са-

марадорлигини ошириш, тақрорий жиноятлар содир бўлишининг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларни ўқиш ёки касбга йўналтириш борасида мақсадли бир йиллик индивидуал дастурлар ишлаб чиқилган ва у амалиётга тадбиқ этилмоқда. Дастурга асосан, ёшлар кафиллиги тақдим қилиниб, суд залидан озод этилган ёшларнинг 445 нафари доимий иш билан таъминланди. Бунда айниқса Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси орқали йиллик 7 фозиллик кредитлар ажратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўқувчи ва талаба ёшлар эса мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида ўқишларини давом эттиришлари эришилди. Қолганларини ҳам доимий иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ва бандлик органларига мурожаат қилинган.

Мана масалан, Жиноят кодексининг 140-моддаси (Ҳақорат қилиш) билан айбланган самарқандлик Р. Тиркашев кафиллик орқали суд залидан олиб чиқилган эди. Бугунги кунда Ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан у Пастдаргом Хизмат кўрсатиш ва сервис коллежидида ёшлар ҳамкорликда ишламоқда.

Ёки андижонлик Санжарбек Нишонов фарибгарликка қўл ургани учун унга айблов эълон қилинган эди. Кафиллик орқали унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди ва суд залидан олиб чиқилди. Ҳозирда Санжарбек “Андижон такси люкс” масъулияти чекланган жамиятида назоратчи лавозимида фаолият юритмоқда.

Бундай имконият 1999 йилда Тошкент шаҳрида тузилган Ж. Отаёровга нисбатан ҳам қўлланилди. Ўғирликка қўл урган бу йигитга ҳам кафиллик тақдим этилган, унга нисбатан белгиланган жазо енгиллаштирилди ва у коллежнинг 3-босқичига таълим олиш қайта тикланди.

Албатта бундай ёшларимиз би-

лан жойларда манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Суд залидан озод қилинган ёшлар бир йил давомида Ёш ҳуқуқшунослар Кенгашининг назорати остида бўлади. Ундан сўнг турар жойдаги ИИБ, маҳалла жамоатчилиги ихтиёрига топширилади. Энг муҳими, олиб берилган тадбирлар самараси ўлароқ жиноят содир қилиб кафолат хати остида озодликка чиққан ёшлар орасида қайта жиноят содир этиш ҳоллари кузатилмади.

– Хорижий давлатлар судлари томонидан жавобгарликка тортилаётган ёшлар ҳам бундай имкониятдан фойдаланишяптими?

– Албатта, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи нафақат мамлакатимизда, қолаверса турли сабабларга кўра хорижда ишлаш ёки ўқиш жараёнида билиб-билмай хатотликка йўл қўйган ёшларимизни ҳам тўғри йўлга тушиб олишига кўмакчи бўлмоқда. Шу кунга қадар чет элда тутқунликда турган, жиноят содир этгани учун камалиб, Ўзбекистонга келолмасдан юрган 9 нафар ёшларимизни отаналари бағрига қайтариб келишга эришилди. Бунда иттифоқимиз қошида фаолият юритаётган Умумжаҳон ёшлар ассоциацияси билан ҳамкорликдаги ишларимизнинг аҳамияти катта.

Умуман олганда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан амалиётга жорий этилган мазкур илоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ёшларни жамиятдан, оиласи бағридан, ўқишдан ажратмаган ҳолда соғлом ҳаётга қайтаришдир. Улар жамоатнинг орасида бўлгани ҳолда хатоларини англаш ва тушуниб етишлари ва ўз меҳнатлари билан жамиятга фойда келтиришлари имкон яратсақ, биз ўз мақсадимизга тўла маънода эришган бўламиз.

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

Кичик саноат зоналари иқтисодий юксалишга хизмат қилади

Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги **“Наманган вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори асосида Наманган шаҳрида 6 та кичик саноат зонаси ташкил этилган.

Тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришнинг замонавий механизми сифатида амалиётга тадбиқ этилган мазкур иқтисодий ечим қисқа вақтда ўз самарасини бера бошлади.

Тадбиркорлар ташаббуси билан кичик саноат зоналарида умумий қиймати 1 триллион 229 миллиард сўмликдан ортқ 211 та лойиҳа бирин-кетин амалга оширилмоқда. Қарийб 124 гектар майдонни эгаллаган “Орзу”, “Пахталикўл”, “Юксалиш”, “Хонобод”, “Машад”, “Зарбдор” кичик саноат зоналарида режалаштирилган барча лойиҳалар тўлиқ қувват билан ишга туширилган, 16 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Кичик саноат зоналарининг аҳамиятини ўтган йил иккинчи ярмида фаолият бошлаган “Орзу” кичик саноат зонаси мисолида яққол кўриш мумкин. 10 гектарга яқин майдонда ташкил этилган мазкур ҳудудда умумий қиймати 142,3 миллиард сўмлик 22 та лойиҳани амалга ошириш ва уларда 2 минг 250 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бугунги кунда бу ерда фаолиятини тўлиқ йўлга қўйган 12 та корхонада 900 киши иш билан таъминланган.

Жумладан, “Боссер Текстил сервис”, “Идеал Текстил Орзу”, “Сугдиёна файз текстил”, “Нуробод сифат текстил”, “White gold towel textile”, “Порлоқ текстил либослари”, “Авазхон келажак” каби тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда 20 нафардан 300 нафаргача киши доимий иш билан таъминланди. “Орзу” кичик саноат зонасидаги

“Кварц саноат” корхонасида сумка, “Улуғ-Б” корхонасида целлофан маҳсулотлари, “Мега эко пласт” корхонасида полиэтиленрефталат гранулалари ишлаб чиқариш, “Перфект фрутис”, “Артел” корхонаси маҳсулотларини етказиб бериш, “Универсал Фуд Траде” томонидан мева-сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш фаолияти йўлга қўйилиб, юзлаб иш ўринлари яратилди. Бу юқоридаги лойиҳаларнинг дастлабки босқичида эришилган натижалар экани ва улар тўлиқ қувват билан иш бошлаган, иш ўринлари сони яна икки баробар ортисини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, жорий йил биринчи ярмида “Орзу” кичик саноат зонасида яна 10 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 700 та иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, “Пахталикўл” кичик саноат зонасида умумий қиймати 41,5 миллиард сўмлик 15 та лойиҳага мувофиқ, 1 минг 220 та иш ўрни очилиш режалаштирилган. Ҳозир кичик саноат зонасида 7 та лойиҳа асосида ишга туширилган “Истикболпоябзалсавад”, “Исоқжонов Мирзоҳид”, “Маржон”, “Ҳабибхамкорбизнес”, “Темирпўлатди-зайн”, “Оташқурилишинвест” каби корхоналарда 200 га яқин иш ўрни вужудга келтирилди.

“Юксалиш” кичик саноат зонасида амалга оширилиши режалаштирилган умумий қиймати 881,7 миллиард сўмлик 7 минг 200 дан зиёд иш ўрни яратиш имконини берадиган 70 та лойиҳадан 22 таси фойдаланишга топширилди. Натижада ҳудудда ташкил этилган корхоналарда 500 нафар мутахассис иш билан таъминланди.

Наманган шаҳридаги бошқа кичик саноат зоналарида ҳам қатор лойиҳалар устида изланишлар изчил давом эттирилмоқда. Уларнинг рўёбга чиқарилиши нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодийетини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Акромжон САТТОРОВ, ЎЗА мухбири



“Ўзбекипаксаноат”: ипак ва мода намойиши

“Ўзбекипаксаноат” уюшмасида “Ипак ва мода” халқаро ипакчилик кўргазмаси ҳамда ипакдан тикилган либослар намойиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 декабрдаги қарори ижроси доирасида ўтказилган тадбирдан кўзланган мақсад мамлакатимиз ипакчилик соҳаси ютуқ ва янгиликлар билан таништиришга қаратилган.

Тадбирда мазкур уюшма ва унинг таркибидаги Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида фаолият юритаётган корхоналар ҳақида сўз борди.

– Мана бугунги тадбир ипакчилик соҳаси бўйича қилинган ишларнинг самараси сифатида намойён бўлди, - деди Марғилон шаҳридаги “Нурли тонг силк” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мақсуджон Қосимов. – Корхонамиз 2001 йилдан буён фаолияти юритмоқда. Юздан ортқ доимий ишчига эга корхонамиз пиллани қайта ишлаб, ипаки матолар ишлаб чиқармоқда. Хитой, Япония, Ҳиндистон давлатларига Бориб, иш ўрганиб келганимиз сизларга намойиш этилган либосларда янада ёрқин бўлди, деб ўйлайман.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА

Тақдимот

Ер ҳақиқий эгасини топмоқда

Энди ишламаган... тишламайди!

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа кишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда кишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа ходимлари учун масъулиятли бир палани бошлаб берди.

рилмагани фермерни бугун ўйлантираётгани аниқ. Бу каби ер эгалари шартнома берилган ваъда эканини унутган кўринадилар.

Давлатнинг деҳқончиликка қўрсатаётган эътибор ва гамхўрлигини суиистеъмол қилиб, тескари иш юргизаётган фермерлар ҳам топилади. Жумладан, Олтинкўл тумани Намуна массивидаги “Қосимжон обод ерлари” фермер хўжалигида йиллик режа 55,5 фоизга етказилган. Бундай ҳолат Жалақудук туманида ҳам учрайди. Ойим массивидаги “Барак саховатли дала” хўжалигида йиллик пахта топшириш шартнома шартларининг бажарилиши ҳам амри маҳол бўлди. Жон ҳикилдоққа келди гўё. Исанов массивидаги “Дилроз Дилноз фазли” фермер хўжалигида 19,3 гектар майдонда етиштирилган ҳосил йигиб-териб олингандан кейин ҳам йиллик шартнома шартлари бажарилмагани аниқланди.

Халқимизда ваъдага вафо – марднинг иши, деган нақл бор. Сўзининг уддасидан чиқолмаган, шартнома шартларини бажаролмаган, қарорда белгиланган мейёрларга жавоб беролмаган фермер, ер эгаларининг энди аҳоли танг.

Хулоса ўрнида...

Андижон вилояти аҳолиси энг эришган ҳудудлардан бири саналади. Ҳар қарич ернинг ҳисоби бор. Бугун адирликларнинг ҳам ўзлаштирилиб борилаётгани аниқ. Мақбуллаштириш юзасидан ишлар бошланган, очиги, томорқа ер эгалари, фермерлар “жонлиб” қолди. Шу ўринда ҳақиқий фермер қандай бўлиши керак деган савол туғилади. Биринчидан, фермер – ташкилотчи бўлиши, ўз ортидан ерга қўзғатирилган эрғаштира олиши керак. Иккинчидан, фермер ернинг тилини тушуниши шарт. Учундан, фермер иқтисодчи бўлиши зарур: ҳисоб-китобни яхши билган фермер бугун ва эртасини белгилай олади. Тўртинчидан, фермер замон билан ҳамнафас қадам ташлаши керак: бу дегани, инновацияни, инвестицияни тушуниши зарур дегани. Ана шундай фермер кўрқмай фаолият юритади.

Тоҳиржон ТОЛИПОВ,
Халқ депутатлари
Андижон вилоят
Кенгаши депутати.
Зилола РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Ташаббус

Ҳозирги даврда хорижий рейтинглар халқаро иқтисодий муносабатларга кучли таъсир кўрсатувчи ўзига хос омиллардан саналади. Мустақил экспертлар хулосаси асосида рейтинглар мамлакат халқаро имижига, кириб келаётган инвестициялар миқдорига катта таъсир кўрсатади. Бинобарин, ривожланиб бораётган ва ўз иқтисодиётига сармояларни жалб қилишдан манфаатдор бўлган давлатлар мазкур рейтингларга кириш ва ўз ўрнини босқичма-босқич кўтариб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги йилларда Шарқий Европа ҳамда МДХга аъзо айрим мамлакатлар энг нуфузли халқаро рейтингларда юқори даражага эга бўлиш буйича махсус дастурлар асосида иш олиб бораётгани фикримиз тасдиғидир. Зеро, ҳар қандай чет эллик инвестор муайян қарорга келишдан аввал ўзи қизиқаётган давлатнинг иқтисодий ҳолати тўғрисидаги объектив, мустақил баҳолашни синчиқлаб ўрганиб чиқади.

Халқаро рейтинглар: мезон ва мақсад

Қайд этиш кераки, халқаро рейтингларни тузувчи агентликлар иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни баҳолашда турли усуллардан фойдаланади. Шу боисдан инвесторлар ўз таҳлилларида факатгина битта рейтинг агентлигининг маълумотларига таяниб қолмасдан, бир қанча рейтинг кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Маълумотларга қўра, ҳозир жаҳонда 160 дан ортқ халқаро рейтинг мавжуд, улардан 50 тага яқини таъсир даражаси юқори мезонлар сирасига киради. Глобал рақобатбардошлилик индекси, Бизнесни юритиш энгиллиги индекси, Иқтисодий эркинлик индекси, Санот рақобатбардошлилиги индекси, Глобал инновацион индекси, Инсон салоҳияти ривожланиши индекси, Трансчегаравий инвестициялаш индикаторлари, Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тартибга солиш индекси, Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун жозибдорлик индекси шулар жумласидандир. Ана шу каби асосий халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистоннинг ҳам нуносив ўринларда бўлиши улкан аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини кўтариш кўрсаткичларини ҳолис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш буйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республикамизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш йўллари атрофлича белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ бошқа вазифалар қаторида 3 та асосий йўналишда иш олиб борилаётгани алоҳида эътиборга молик. Яъни:

1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими, яъни Миллий мониторинг тизими яратилмоқда.
2. Қўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қониқishi даражасини ҳамда уларнинг ходимлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида “давлат хизматларининг сирли мижози” институти жорий этилмоқда.
3. “Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда” ягона порталнинг яратилиши эса ушбу йўналишда самарали мулоқот ва ахборот алмашинувида хизмат қиладиган имкониятларни юзага чиқаради.

Шу йилнинг 5 февраль куни давлатимиз раҳбари “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Унда мамлакатимизни хорижий инвесторлар учун янада жозибдор ҳудудга айлантириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва инвестицион имижини кескин юксалтиришга хизмат қиладиган вазифалар баён этилган. Қарордан келиб чиқувчи асосий стратегик мақсад мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган қўлай шарт-шароитларни яратишдир.

Мазкур қарорда таъкидланганидек: “Сўнги бир неча йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомиллаштиришга, қўлай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Охириги 5 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” рейтингига Ўзбекистон

жаҳоннинг 190 та мамлакатини орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, амалиётда, хусусан, қурилишга руҳсатномалар олишда, мулкни рўйхатдан ўтказишда ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган ортқча бюрократик тартиб-таомиллар ҳанузгача сақланиб қолмоқда”. Англашилмоқдаки, Ўзбекистон 2022 йилга қадар яна камда 56 поғона юқорилаши керак.

Шу ўринда мавзуга оид яна бир маълумот: Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан “Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда энг муҳим халқаро рейтингларни ва таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларда охириги ўкми йилда эгаллаб турган мавқеини чуқур яхшилаш таъминлаш”, дея қайд этилган эди. Бу эса O‘zLiDeP учун ҳам ниҳоятда муҳим масалалар сирасига киради. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган гоиларни ҳаётга жорий этиш борасида масъулиятни ҳис эътаётган сиёсий куч, партияимизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар эса инвестицияларнинг кириб келишидан бевосита манфаатдор қатламдир.

Президентимизнинг мазкур қарори қабул қилинганга қадар ҳам айна соҳага оид кўплаб тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, O‘zLiDeP ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ташаббуси билан ташкил этилган “Инвестициявий ва инновацион форум” доирасида “Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарт”и мавзусида анжуман ўтказилган эди. Бу тадбир Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи эълон қилинган сана, яъни 2017 йил 1 ноябрь куни билан бир вақтга тўғри келган, давра суҳба-тида қатнашган экспертлар қатор нуфузли халқаро индекслар кўрсаткичлари тўғрисида ҳам асосли фикрларни ўртага ташлаган эди. Шундан сўнг анжуманда илгари сурилган мулоҳазалар O‘zLiDeP томонидан аниқ тақлифлар кўринишига келтирилиб, тегишли маҳкамаларга юборилган. Бундан ташқари, партия бу йўналишда тарғибот-ташвиқот ва амалий ишларини амалга оширмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш буйича ҳам партияимиз комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққан. Хусусан, Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлик рейтингини ва бошқа халқаро рейтингларда қатнашиши ва унда мамлакатимизнинг эгаллаган ўрнини яхшилаб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; мамлакатда қўлай бизнес ва инвестицион муҳитини шакллантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қонунчиликнинг амалиётга татбиқи устидан кучли парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш; иқтисодиётни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўлай-қувватлашнинг устувор йўналишлари буйича белгиланган масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан алоҳида эшитувлар ташкил этилиши; ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда марказда ва жойларда қўлай бизнес ва инвестицион муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мониторингини ташкил этилиши ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиши; тадбиркорлар, фермерлар билан доимий мулоқот ўрнатилиши каби ишларга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланган.

Яна мавзуга қайтиб, шуни таъкидлашимиз зарурки, рейтинглар ичида энг машҳурлари, инвестиция жалб қилинишида муҳим

ўрин тутадиганлари сирасига “Standard and Poor’s”, “Moody’s”, “Fitch Ratings” агентликлари ҳамда йирик аудиторлик ва консалтинг компаниялари томонидан эълон қилиб бориладиган баҳолаш мезонларини ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган агентликлар томонидан эълон қилинадиган суверен кредит рейтингига Ўзбекистоннинг ҳам киритилиши буйича ишлар бошлангани, албатта, ижобий ҳолат. Бироқ бу ишларни ҳозирча кўнгилдагидек деб бўлмади. Айтилик, бир қатор индекслар бевосита инвестицион фаолият билан боғлиқ кўрсаткичларни эълон қилад. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар индекси (FDI index) 62 та мамлакатда 22 соҳани ўз ичига қамраб олган ҳолда қор

нунчилик томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кириб келишига тўсқинлик қилувчи омилларни таҳлил этади. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ишонглилик даражасини кўрсатувчи “FDI Confidence” индекси глобал консалтацион компания бўлмиш “A.T.Keamey” томонидан белгила-ниб, 40 та мамлакат буйича таҳлилларни рейтинг кўринишида чоп этади. Афсуски, мазкур индекслардан ўрин олган давлатлар қаторида ҳозирча мамлакатимиз йўқ. Бу эса юртимизга потенциал инвесторларнинг кириб келишига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакат ичарисидан инвестицион муҳит қанчалик қўлай ва жозибдор бўлмасин, унинг халқаро майдондаги тарғиботи етарли даражада бўлмас экан, бир жойда депенсинг турилаверади.

Юқорида баён қилинган жиҳатларга алоҳида тўхталиш, бирма-бир шарҳлаш, камчилик ва ютуқларни санаш кенг қўламли тадқиқот ва чуқур ўрганишни талаб қилад. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган, хусусан, партияимиз айна йўналишида Банк-молия академияси билан яқин ҳамкорлик қилиб, ўрганишлар олиб борапти. Жумладан, Президентимизнинг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш буйича масъул идораларга қуйидаги аниқ тақлифлар билдирилган:

Ўзбекистоннинг етакчи глобал индексларда, биринчи навбатда Глобал рақобатбардошлик рейтингини (GCI, Global Competitiveness Index) иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиши, хусусан, бу буйича миллий марказлар лойиҳасини шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

экспертлар жамоасини шакллантириш ва Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистоннинг тегишли муносив ўрнини аниқлаш учун миллий тадқиқотлар ўтказилиши, кейин эса ушбу рейтингда мамлакатнинг кучли ва заиф позицияларини аниқлаш;

бу йўналишда муваффақият қозонган МДХ мамлакатларининг халқаро индекслар буйича илгор тақлиф ва фикрларини тўплаш, муҳокама қилиш ҳамда умумлаштирувчи таҳриба ва иштирок моделларини йиғиш, мувофиқлаштиришга қаратилган компьютерлаштирилган краудсорсинг платформасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этилиши;

етакчи хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг экспертлари, машҳур олим ва мутахассислар иштирокида махсус халқаро конференциялар ўтказилиши, шу орқали Ўзбекистоннинг халқаро индексларга босқичма-босқич кириб келиши учун чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши;

Глобал рақобатбардошлик рейтингини кўрсаткичлари билан аниқланган номувофиқликни бартараф этилиши ва амалдаги хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган мейёр-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш буйича миллий дастурни қабул қилиши;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни рағбатлантиришга оид янги қонун, фармон ва қарорлар ишлаб чиқишида “глобал индекслар талабларига мувофиқликни таъминлаш шартлиги” мажбурий принципини амалга ошириши.

Ишончимиз қомилки, биз илгари сураётган тақлифлар, аввало, миллий индикаторларни шакллантиришга хизмат қилад, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал рейтинглардаги иштирокига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, тўғридан-тўғри жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига, мамлакатимиз буйлаб инвестиция борасидаги қўлай ахборот майдонини пайдо бўлишига, энг муҳими, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қилад.

Насимжон АЛИМОВ,
O‘zLiDeP Сийсий таълим
маркази раҳбари

Қарор кишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, паст ҳосилли пахта ва галла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромад-ли, экспортбоп маҳсулотларни етиштиришни ўзида мужассам этди.

Очигини айтиш керак, Андижон вилоятида кишлоқ хўжалиги соҳасига оид кўрсаткичларни кўздан кечирсангиз ҳудудларда аҳвол турли даражада эканлиги гаувоқ бўласиз. Масалан, Хитойда деҳқончилик тармоғи биздан кўра анча юқори. Нега, сабаби нимада, деган савол туғилади. Чунки уларда илгор инновацион технологияларни қўллаш эвазига пахта ҳосилдорлиги гектарига 60-70 центнерга етмоқда. Боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари селекцияси борасидаги имкониятларимиз қай даражадалиги шундоғам маълум. Бу борада ном қозонган фидойи фермерларимизнинг бой тажрибаларини бошқалар ҳам тезроқ ўрганиб, ўз фаолиятларида қўллаш вақти етгани кўп бора таъкидланмоқда.

Масалан, Қўрғонтепа туманидаги “Оқсув” фермер хўжалигида яратилган технология туфайли юқори даражадаги пахта ҳосили олинишига эришилди. Рентабеллик даражаси “38-40” фобизлиги теҳнологиянинг эртаси борлигини намоеён этиб турибди. Олтинкўл туманидаги “Бахт имкон ривож чорваси” фермер хўжалигида қорамолчилик ва эчкичилик йўналишида инновацион янгиликлар бор. Асака туманидаги “Сабо ҳамкор” масъулияти чекланган жамиятининг 5 гектарлик замонавий иссиқхонасида банан ва гидропоника усулида сабзавот етиштирилмоқда. Андижон туманидаги “Фаворит парранда” фермер хўжалигида Германия технологияси асосида 330 минг бош парранда боқилляпти. Қунига ўртача 270 минг донагача тухум олинмоқда. Энг муҳими, бу имкониятлар билан аҳоли, айниқса, ёшлар иш билан таъминланмоқда.

“Super modul” масъулияти чекланган жамиятида Африка лаққа балиғи инкубацияси таш-

кил қилинди. Избоскан туманидан ажратилган 1 гектар ер майдонда бунёд этилган 500-1000 дона балиқ чавағини боқиш имконини берувчи “интекс бассейн” усули энг қўлай ва соддалиги билан эътиборли.

Аслида биз айтаётган қарор фермер, томорқа ер эгалари учун яхшигина даромад манбаи яратиш учун жуда қўлай имконият. Фақат ишлаш керак ҳол! Фермер хўжаликларида давлат контракция шартномаларини бажариш биринчи навбатдаги вазифа ҳамда даромаднинг белгиланган мезон ҳисобланади. Хусусан, “Агробанк” томонидан пахтага етиштириш, хомашё тайёрлаш жараёнлари учун фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар берилган. Бугун қайси фермер шартнома шартларини бажаролмай, бошини қашлаётган бўлса, бу – ана шу имтиёзли кредитлар тўлашини йўққа чиқариш деганидир. Бу эса ўз вақтида меҳнат қилмай, масъулиятни ҳис қилмай, “яллама ёрим”ни айтиб юрган, дегани эмасми? Энди ҳақдор банк бўлганидан кейин қарздорлардан кредит маблағларини қўллаш ҳам уларнинг вазифасига киради-да, тўғрими? Улар бундай вазиятда қандай йўл тутади? Албатта, прокуратура органларига даъво аризаси билан чиқади. Қарабсизки, фермернинг “йигиси” ҳаёт интерне-ти “титратади”...

Афсуски, боқимандалик кайфиятидан чиқиб кетолмаган баъзи бир боқибегам фермерлар ҳам йўқ эмас орамизда. Яна денг, иддаоси оламни бузади: “Еримни ҳеч қандай розиликсиз ноқонуний тортовлиб қўйишди!”. Аммо ўйлашмайдики, ери олиб қўйилгунича у қаерда нима иш билан машғул эди? Нега ўзига берилган шунча шароитдан самарали фойдалана олмади?

Бош деворга текканида...

Шаҳрихон туманининг Тумор саховати массивидаги “Абдулло омади” фермер хўжалигида ўтган йили 22,5 гектар ерга чигит қадалиб, 71,4 тонна пахта топширилиши керак эди. Аммо... режанинг 30 фоизи ҳам бажарилмади.

Саховатпеша депутатнинг Наврўз туҳфаси

Халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгаши депутати Шавкат Мирзаев етти йилдан буён “Мирзаев Шухрат Кенжаевич” фермер хўжалигига раҳбарлик қилад. Хўжалиги тасарруфдаги 102 гектар майдонда галла ва пахта етиштириб келмоқда.

Тўрт йил бурун кўп тармоқли фермер хўжалиги айлантирилган, чорвачилик, парранданилик, асаларичилик, иссиқхонани ҳам йўлга қўйиб, 20 дан ортқ иш ўрни яратди. Шавкат ака даромадларидан фермер хўжалиги аъзолари ҳамда маҳалладаги ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар турмуш тарзини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, худудни ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келади. Унинг саховатпешалигидан ёш қари хурсанд.

Айниқса, партияимиз вакилининг навбатдаги ташаббуси кўпчилики кувонтириб юборди: янги қурилган ёшлар боғида каттагина кутубхона барпо этди. Унда бадий ва илмий адабиётлар ҳамда уларнинг электрон шакли ҳам мавжудлиги китобсеварларга айна мудоа.

– Бугун юртимизда тадбиркорларга катта им-

кониятлар яратилаётган бир пайтда, мен ҳам озми, кўпми ўз юртдошларимга баҳоли қудрат нафим тега, деган ниятда шу ишга бош қўшдим, – дейди у. – Бу билан, Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорининг жойлардаги ижросини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бахтиёрман. Насиб этса, кутубхонамиз нафақат ёшларимиз, балки барчамизга ҳаёт сабоқларини ўргатаётган ота-оналар учун ҳам таълим-тарбия, ибрат ўчоғига айланса, бошим осмонга етарди.

Дарвоқе, ушбу маърифат маскани айна пайтда қуриб битказилиб, жиҳозланяпти. Наврўз байрами арафасида очилиб маросими бўлиб ўтади.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
O‘zLiDeP Самарқанд вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Партия ҳаёти

Ёшлар қаноти



27 нафар йигит-қиз ишли бўлди

О'zLiDeP Тахياتош туман Кенгаши туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди. Тахياتош ижтимоий-иқтисодий ва педагогика касб-хунар коллежидан бўлиб ўтган ушбу ярмаркада туманда фаолият юритаётган 36 корхона ва ташкилотлар ўзларининг 127 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишти.

Таклиф қилинган иш ўринларининг аксарият қисмида ойлик иш ҳақи 500 минг сўмдан ортиқ бўлиб, айрим мутахассисликлар бўйича маош 700-800 минг сўм. Мурожатлар ҳар томонлама ўрганилган, ихтисослиги ва маълумотига кўра таклиф этилган ишга муносиб топилган 27 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

– Мутахассислигим бўйича туман тиббиёт бirlашмасига шифокор бўлиб ишга жойлашдим, – дейди Я. Авазов. Хуллас, тадбир баҳона кўплаб ёшлар ўз иш жойларини тайин қилиб олишди.

Наслли қорамол 66 бошга етди

Сирдарё вилояти Боёв туманидаги “Ахмадий Шаҳобиддин” чорвачилик фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари, илгор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. О'zLiDeP Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда фермер хўжаликлари раҳбарлари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Дастлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида

вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимизда аҳолининг гўшт, сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар яхши самара бераётгани таъкидланди.

Сўнг иштирокчилар хўжаликда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бугун фермер бўлиш истагида бўлган тенгдошларимга ўз тажрибаларини ҳақида гапириб бердим, – дейди партия фаоли, ёш фермер Шаҳобиддин Ахмадий. – Касб-хунар коллежини битиргач, дастлаб туманимиздаги кўп тармоқли фермер хўжаликларида чорвачилик сирларини ўргандим. 2018 йил сентябрь ойида “Ахмадий

Шаҳобиддин” чорвачилик фермер хўжалигини ташкил этдик.

Дарвоқе, ёш фермер “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси Боёв тумани филиали томонидан ажратилган 800 миллион сўм миқдордаги кредити эвазига Германиядан 33 бош наслли қора мол олиб келганди. Бугун ушбу қорамоллар сони 66 бошга етди. Бу лойиҳа сабаб 4 нафар тенгқурини доимий иш билан таъминлади. Эндиликда у хориждан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадқоқлаш цехи келтириб ўрнатишни мақсад қилган. Бу яна 15-20 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

“XXI asr” мухбири
Элбек ШОЙИМҚУЛОВ
тайёрлади.

Бандлик

Изчил фаолият ва ижобий натижалар

Маълумки, “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури доирасида олиб борилаётган ишларга кўмаклашиш мақсадида республикамизнинг қўллаб ташкилотлари мастул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган эди.

Яқинда мазкур ишчи гуруҳ Хоразм вилоят ҳокимлиги вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари билан биргаликда воҳанинг барча шаҳар ва туманларида иш олиб борди. Ўрганишлар давомида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўтган йили амалга оширил-

ган ишлар таҳлил қилинди, давлат дастурига асосан банк кредитлари ажратилган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва 2018 йилда тасдиқланган “йўл хариталари” ижроси кўриб чиқилди, шунингдек, ёшлар тарбиясига масъул раҳбарларга кўмак берилди.

Йигит-қизларни ишга жойлаштириш учун ҳар бир ҳудудда меҳнат ярмаркалари ҳам уюшти-



рилди. Масалан, Хива туманида ташкил этилган ана шундай тадбирда 8 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 18 кишига жамоат ишларида қатнашиш учун йўлланмалар тақсимланди. 32 нафар ёшга турли масалаларда маслаҳат берилди.

– Университетни тугатиб, ишга жойлашиш мақсадида жуда кўп ташкилотларга бордим, лекин мутахассислигим бўйича иш тополмадим, – дейди тумандаги Қиёт маҳалласида яшовчи фуқаро Илмира Раҳимова. – Меҳнат ярмаркасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иброҳим Ҳожиёв ёрдами билан туман бандликка кўмаклашиш марказига меҳнат инспектори лавозимига ишга қабул қилиндим. Шу ернинг ўзига ҳужжатларимни мазкур ташкилот ходимларига топширдим.

Мирзабек Маткаримов эса 12-сонли умумтаълим мактабига мусиқа ўқитувчиси сифатида ишга жойлашганидан хурсанд.

Жойларда “Бизнесни ташкил этиш ва уни бошқариш” мавзусида

ўтказилган семинар-тренингларда ёшларга бизнес-режа тузиш, маркетинг ва менежмент асослари бўйича сабоқлар берилди. Давлат дастури доирасида берилаётган имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланиш ва даромад олиш йўллари ҳаётини мисоллар воситасида тушунтирилди. Шу билан бирга туманларда хунармандчилик ва касаначилик фаолияти билан шуғулланиш учун имкониятлар етарлиги ҳисобга олинди, бу соҳалар билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар билан манзилли режа асосида иш олиб берилди.

Ички ишлар бўлимлари ҳисобида турган тарбияси оғир ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан яқка тартибдаги суҳбат ва психологик тренинглар ҳам ўтказилди. “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси эса ёш фермерларнинг муаммоларини мутахассисларни жалб этган ҳолда бартараф этиш имконини берди.

Жуманазар ҚУРБОНОВ,
О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши
аппарати раҳбари



Имтиёзли кредит

ОЛИШ МУМКИН, ЛЕКИН...

О'zLiDeP Шеробод туман Кенгаши “Ёшларга тадбиркорлик қилишлари учун ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг берилиш тартиби” мавзусида очик мулоқот ўтказди.



Шеробод агросаноат касб-хунар коллежидан ўтказилган ушбу тадбирда партия туман Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, тижорат банклари вакиллари, тадбиркор ва фермерлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Таъкидландики, “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг вилоят ва туман Кенгашлари жойларда, айниқса, чекка туманларда кенг қўламли ишлар амалга оширишда. Кенгашлар ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ёшларнинг қизиқишлари, орзу-истаклари, мавжуд муаммо ва камчиликларини чуқур ўрганиб, таҳлил этмоқда. Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга зарур кўрсатмалар бермоқда, кредит олишларида кўмаклашмоқда.

– Туманда шижоатли ёшларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз имтиёзли кредит ажратилаётгани уларнинг бандлик масаласини ҳал этиш муҳим омил бўлмоқда, – дейди “Агробанк” туман бўлими мутахассиси Ф. Қурбонов. – Бугунги мулоқотда ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга бизнес гоё ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кредит олиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришга кўмаклашдик.

Шу кунги ёшларга кредит олишда банк, миқдор ва унинг ҳамқори ўртасидаги муносабатлар ҳамда тижорат банклари томонидан кредитни учинчи шахсга чиқариш мажбурияти белгиланган норматив ҳужжатлар ҳақида кенгроқ маълумотлар берилди.

Аёллар қаноти



Энг қулай бизнес

О'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурининг мазмуни-моҳиятини хотин-қизлар ўртасида тарғиб қилинишига бағишланган тадбирлар ўтказишни изчил давом эттирмоқда.

Яқинда Оҳангарон туманидаги 31-сонли мусика ва санъат мактабидан “Аёллар учун қулай бизнес – оилавий тадбиркорлик” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Партия туман бўлими ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман хотин-қизлар кўмитаси, бандликка кўмаклашиш маркази, тумандаги тижорат банклари вакиллари ҳамда 60 дан зиёд хотин-қиз иштирок этган тадбирда оилавий ва бошқа турдаги тадбиркорликнинг афзалликлари, бошловчи ишбилармонлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, сармоядан унумли фойдаланиш

сингари масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Мутахассислар иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтаришди, бизнес юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилди.

Тадбир ниҳоясида банкдан сармоя олиш истагини билдирган хотин-қизларга имтиёзли кредит сертификатлари ва уй шароитида касаначилик билан шуғулланаётган аёлларга меҳнат дафтарчалари топширилди.

О'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Муножот ЙЎЛЧИЕВА О'zLiDeP аъзоси бўлди

О'zLiDeP Олмазор туман ҳамда “Ёшлик” талабалар шахарчаси Кенгашлари ва мазкур туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш – устувор вазифамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Суҳбат қизгин, баҳо-мунозараларга бой бўлди, десак, янглишмаймиз. Негаки, мулоқотда қатнашган номдор тадбиркорлардан ташқари минг бир ҳадик билан эндигина бу соҳага кириб келаётган аёлларни ўйлантираётган саволлар кўп эди. Табиийки, бир тадбир доирасида ҳамма масалага ечим топилиши мушкул. Аммо сўзга чиққанларнинг оддий ҳаётини тажрибалари бошқаларга ижобий таъсир кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, бу учрашув анчагина фойдали бўлди.

Албатта, Олмазор туманининг истиқболи ниҳоятда банд ва бу бизнинг партиямиз фаолларига ҳам катта масъулият қўлайди. Бошқа ҳудудлардаги фойдодор аёлларимизнинг обрў-эътибори, заҳматли меҳнати ва беминнат хизматларини асло камситмаган ҳолда ишонч билан айта оламани, бизнинг Олмазор туманида ҳам олижаноб ва ҳақиқий ишбилармон аёллар сафи йил сайин кўнгайиб бормоқда, – дейди О'zLiDeP Олмазор туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Раъно Ҳошимхўмаедова. – Бугунги давра суҳбатида, туманимиз ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси тадбиркорларга кўмаклашиш маркази, Халқ банкнинг туман филиали кредит бўлими вакиллари фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Нега десангиз, шу баҳонада тадбиркор аёллари-

миз ўзларини қийнаётган қатор муаммоларга биргаликда ечим излашди. Бу эса қанча овозагарчилик ва расмиятчиликларнинг олдини олди. Аслида ҳамма йиғилиш, тадбирларимизда ана шундай амалий натижаларга эришишга ҳаракат қилишимиз керак. Энди қуруқ насихатбозлик, номига маъруза ўқиш, вақтни беҳуда кетказиш каби камчиликларга барҳам бермоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Хуллас, биз давра суҳбатида кўтарилган долзарб масалалар, ечимсиз қолаётган айрим муаммолар, баъзи депутатларнинг фаолиятсизлиги, қўйинги, бугунги кунда барча маслаҳатларимиз олдида турган масъулиятли вазифалар хусусида батафсил сўз юритмоқча шошилмадик. Боиси, пойтахтимиздаги энг нуфузли туманлардан бири ҳисобланган Олмазорда катта ишлар энди бошлангипти. Демак, партиямиз аъзолари, айниқса, тадбиркор хотин-қизларимиз бу борада ибрат бўлишларига шубҳамиз йўқ.

Яна бир қувончли жиҳати, ушбу учрашув ниҳоясида халқимизнинг мумтоз мақом санъатини дунёга таратишга муносиб хисса қўшиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевага О'zLiDePнинг аъзолиги гувоҳномаси тантанали равишда топширилгани кўпчиликни ҳаяжонга солди.

Аважон БЕКМУРОВА,
“XXI asr” мухбири

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг деҳқонлар ва томорқа ер эгаларига МУРОЖААТИ

Ёш китобхонларга совға

Жиззах вилоят ҳокимлиги, O'zLiDeP вилоят Кенгаши, республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, ахборот кутубхона маркази билан ҳамкорликда Бахмал туманининг Камар қишлоғида 2 000 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона ташкил этилди.

Унинг очилиши маросимидаги "Китоб – маънавият бешиги" мавзусидаги ижодий учрашув ва китоблар кўргазмаси иштирокчилар билан гавжум бўлди.

– Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, айниқса, мутолаа маданиятини шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёс, – дейди O'zLiDeP Бахмал тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Қасимов. – Шу боис, бугунги тадбирга ота-оналар ва маҳалла фаолларини ҳам жалб этдик. Мақсадимиз – китобсевар оилалар сонини кўпайтириш, ҳар бир маҳаллада мўъжазгина бўлса-да, кутубхоналар ташкил қилиш.

Шу кунги дурдоналар маскани фондига партия вилоят Кенгаши томонидан 100 дан ортиқ адабий тақдим этилди.

Муаммолар вакилларимиз назоратида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳи Шароф Рашидов тумани "Ровот" маҳалла фуқаролар йиғини ахли билан очиқ мулоқотда бўлди.

Унда Президентимизнинг парламентга Мурожаатномаси, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастури доирасида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ва қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари, қонун ижодкорлиги хусусида батафсил сўз юритилди.

Ўзма-ўз мулоқот давомида ушбу маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Молтоб қишлоғи аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган нархларда тарқатишда адолатсизликка йўл қўйилмаётгани, оқибатда ижтимоий ҳимояга эга наҳадонларга маҳсулотлар етмай қолаётгани ҳақида билдирилган ҳақли эътирозларга мутасаддилар билан биргаликда ижобий ечим изланди.

Шунингдек, фуқаролар томонидан билдирилган озғани ва ёзма мурожаатларнинг аксарияти қисми ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати кўнгилдагидек эмаслиги билан боғлиқ экан. Мавжуд тез тиббий ёрдам маркази 3 та хонадан иборат бўлиб, айна пайтда замон талаблари даражасида эмаслиги аниқланди. Сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун бинони таъмирлаш, қўшимча хоналар қуриш, тез тиббий ёрдам машинаси саклаш учун махсус бинога эҳтиёж бор. Яна бир ачинарли ҳолат шуки, қишлоқни туман маркази билан боғлайдиган автобус қатнови ҳам йўлга қўйилмаган.

Хуллас, Молтоб қишлоғи йўлларини таъмирлаш, янги трансформатор ўрнатиш, симёғочларни алмаштириш керак... Бу каби ўткр муаммоларни атрофлича муҳокама этилиб, уларга жўярироқ ечим топиш ҳолатида масъуллар иштирокида маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ўз таклифларини билдиришди.

Диррабо САЙДУЛЛАЕВА, O'zLiDeP Сўёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходими

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Улкан ўзгаришлар, оламшумул янгиланишлар даврида яшамоқдамиз. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ҳалқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида узоқни ўйлаб олиб борилаётган ислохотлар самарасидан кўнглимиз тоғдек юксалмоқда, қалбларимиз гурурга тўлмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида меҳнатидан барака топаётган тажрибали деҳқонлар кўпчилигини ташкил этади. Томорқа ҳар бир оиланинг бамисоли хазина манбаи, мўъжаз гўшаси. Айна вақтда мамлакатимизда 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари 445 минг гектардан зиёд экин майдонида меҳнат қилмоқда.

Серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, доимо ундан унумли деҳқонлар кўпчилигини ташкил этади, яшаш шароитимизни намунали тарзга келтириш пайдида бўлайлик. Бу каби тартиб-таомил асосида улғайган фарзандларимиз ҳам яхши яшашга интилиб, ўз келажаги учун астойдил ҳаракат қилади.

Деҳқончиликда баҳорнинг бир кунини йилга татийди. Кўпни кўрган, тажрибали деҳқонларимиз фасллар алмашаётган, майсалар илди эриб, ниш ураётган ушбу бетакрор паллада қандай юмушларни бажариш зарурлигини жуда яхши билади. Табиат инжиқликлари билан курашавериш пишган деҳқонларимиз айна кунларда ҳар бир дақиқани ганимат билиб, ундан унумли фойдаланади. Ҳар бир томорқа ер эгаси сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва мевалар етиштириб, оила эҳтиёжидан ортиқини бозорга чиқариш орқали ўшунча даромад топишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда деҳқонларимиз ва томорқа ер эгаларининг олдига турган **биринчи галдаги вазифа** ўз ҳовлиси, томорқаларини тартибга келтириш, ерга уруғ қадашга тайёрларлик кўришидир. Бунинг учун ҳовли, томорқалардаги экин экиладиган майдонларнинг ариқлари хас-хашаклардан тозаланиши, мевали даракларнинг таглири юмшатилиши, турли зараркундалардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг танаси окланиши керак. Чунки ҳозир мевали даракларга ҳам турли зараркундаларга қарши ишлов беришнинг ҳам айна вақти. Бу ишлар амалга оширилса, ҳовлилар, хонадонлар обод бўлади. Зеро, **обод маҳалла обод хонадонлардан ташкил топади.**

Иккинчидан, ҳар бир томорқа эгаси теъда ерни экишга тайёрлаши, кузда шудгорланмай қолган ер бўлса, зудлик билан

ағдариб, текислаб, маҳаллий ўғитга бойитиб, эртаки сабзавот экинлари, картошка, полиз экинлари уруғини қадашга тахт қилиб қўйиши, плёнқа остига экиладиган экинларни эса кечиктирмасдан экиши зарур.

Учинчидан, ҳар бир хонадон соҳибига бир ой давомида томорқасининг ҳар бир сотихи ҳисобида ўртача 1 тупдан, бир томорқада ўртача 10 туп ҳудудга мос бўлган сердаромад ва ҳрсилдор мевали дарахт кўчатларини экиш тавсия этилади.

Тўртинчидан, ҳар бир деҳқон томорқа қўшимча даромад манбаи эканини доимо ёдда сақлаган ҳолда, мавжуд экин майдонларидан уч мартагача ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилиши, бу ерда ҳар бир хонадонда 1-2 сотихли ичхам иссиқхона қуриш орқали илғор деҳқонлар тажриба мактабини ўзлаштириши зарур.

Бешинчидан, ҳар бир хонадон эгасининг имконияти ва лаёқатига қараб, 100 та товук, 20 та курка, 10 та қўй ёки эчки, 2-3 қўти асалари уяси, туяқуш ва бошқа чорва молларини боқиш ҳам оила даромадини кўпайтиришга хизмат қилади.

Ҳурматли маҳалладошлар!

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан кўзланган мақсад — иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Шу сабабли, **25 февралдан мамлакатимизда деҳқончилик бўйича долзарб ойлик**, деб эълон қилинди. Бу ойликни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, кўпни кўрган, деҳқончиликда суяғи қотган нурунийларимиз ўз маҳоратларини ёшларга етказиши учун тажриба мактаби оидиги, деб аниқланган ҳолда ишларни ташкил қилсак, барча учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунда маҳаллалардаги ариқ, зовурларни тозалаш, даракларни оқлаш каби ишларда маҳалла фаоллари раҳбарлигида бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этилик. Хонадонма-хонадон юриб, маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг ўз томорқаларида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини тиклаб олишга баҳоли қудрат ёрдам берайлик. Маҳалла миллатимизнинг ҳамжихатлигини мустаҳкамлайдиган, ўзаро тажриба алмашишни таъминлайдиган ноёб институт экани мана шундай хайрли ишларни ташкил этишда яққол намоён бўлади-да!

Халқимизда "Ерни боқсанг — ер ҳам сени боқади", деган пурмаъно ҳикмат бор. Замин ҳалоллик, эътиборни талаб қилади. Ким уни алдайман, деса, элни, ўзини ал-

даган бўлади. Қолаверса, Пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг "Кишининг ўз қўли билан қилган меҳнати ҳамда ҳар қандай шўбхали ва хиёнатдан ҳоли бўлган савдо", деган ҳадисларига амал қилиб, фидойи меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан ризқ-рўз топишимиз керак!

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Томорқадан даромад олиш маъқулми ёки уч қарра солиқ тўлашми?

– *якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экимаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;*

– *деҳқон хўжалиги юртиши учун уй-жой қуриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экимаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган тартибда бекор қилинади;*

– *экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилда камидо икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғи ставкасини пасайтирувчи солиқ имтиёзлари қўлланилади.*

Мамлакатимизда "Илғор фермер", "Меҳнатқаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" каби кўркак нишонларининг таъсис этилиши ҳам деҳқонларимизнинг меҳнатига бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир. Бу ҳақимиз дастурхонининг обод, турмушини фаровон қилиш билан шуғулланаётган, яратувчанликка умрини, меҳрини бағишлаган азамат деҳқонларимиз учун муносиб эътирофдир.

Дарвоқе, Сизнинг ўз томорқангизда бандлигингиз – келажақда пенсия таъминоти бўйича иш стажини бўлиб ҳисобланиши учун ҳам ажойиб имконият яратилган. Бунинг учун деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 тадан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

бир баробари миқдорда сугурта бадали тўлаган тақдирда, сугурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади.

Шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва сугориш воситалари харид қилиш учун "Томорқа хизмати" МЧЖ, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар берилади.

Ҳар бир туманда ташкил этилган "Томорқа хизмати" МЧЖлар ҳудуддаги томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, бунда, тулқоқ-иқлим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экиш, парваришлаш, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатади.

Шунингдек, Кенгаш хузурида бир қатор хизматлар ташкил этилган. Хусусан, **"Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати"** унитар корхонаси консалтинг хизматлари кўрсатади. **Агро ахборот инновация маркази** фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илғор тажрибаларини жорий қилиш бўйича тавсиялар беради. **Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** эса Сизларга уч йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар беради.

Шижоатли, олижаноб фермерлар!

Сизларни томорқангизда оилангиз эҳтиёжини ўз вақтида қўриқиб олиш билан бирга, хўжалигингиз ишчиларига ўз томорқасида деҳқончилик қилишлари учун ҳам кўмак беришга чақирамиз. Сизнинг бу борада кўрсатган ҳамхўрлигингиз уларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшади. Унутманг, фермер хўжалиги ишчиларига кўрсатилган бундай эътибор ва ҳамхўрлик Сиз кузда оладиган мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Азиз юртдошлар, томорқаларимизда сабзавот ва полиз маҳсулотлари, сархил мевалар етиштириб, халқимиз дастурхонининг тўқин, ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги имкониятларимиздан самарали фойдаланайлик!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши

Мулоқот

Ишчи гуруҳ ишляпти-да!

Партияимиз вакиллари жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ҳал қилинишига кўмаклашиш йўналишидаги фаолиятни изчиллик билан давом эттиряпти. Яқинда O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарати ходимлари ва маҳаллий кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳлари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ Қўнғирот туманида бўлди.

"Таллик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган мулоқотда одамлар ичимлик суви етишмовчилигидан шикоят қилишди. Ишчи гуруҳ муаммони жойида ўрганиб, атрофлича муҳокама қилди. Ҳақиқатан ҳам, гарчи қувурлар орқали сув келтиришнинг имконияти бўлса-да, мутасаддилар бу масаллага эътиборсизлик билан қараётгани маълум бўлди.

Туман Кенгаши депутати З. Сейдуллаева шикоятлар асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови жўнатди, муаммо ҳал қилинишини назоратга олди. Орадан кўп ўтмай, маҳалладаги 80 та хонадонга ичимлик суви қувурлари қириб борди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси П. Қазқабоев аҳоли номидан ишчи гуруҳга миннатдорлик билдириди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Мулоқот

Фермер аёллар фаолияти кўнгилдагидекми?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларини оптималлаштириш жараёни бошланғунига қадар 160 минг 371 фермер хўжалиги фаолият юртыган. Уларнинг тахминан 10 фоизини хотин-қизлар раҳбарлигидаги фермер хўжаликлари ташкил қилган. Ўтган вақт давомида фермер аёлларнинг соҳадаги фаолияти кенгайиб, қўллаб-қўриқиб натижаларга эришди. Бироқ бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳаллий ва ташқи бозорларда сотилиши учун самарали логистик тизим, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмалари бўйича керакли малака ва тажрибага эга бўлишини таъминлаш долзарблигича қолмоқда.

Хўш, бунга эришиш учун келгусида нима-ларга эътибор қаратиш ва қандай ишларни амалга ошириш керак? Замонавий фермер аёл ўз ишини қандай ташкил этиши, фаолиятга қандай тажрибаларни тадқиқ этиши жоиз? Юқори маҳсулдорликка эришиш сирлари нимада?

Пойтахтимиздаги "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожига фермер аёллар роли" мавзусида ташкил этилган II фермер аёллар форуми ҳам аспиди шу ва шу каби саволларга

Мулоқот

Фермер аёллар фаолияти кўнгилдагидекми?

жавоб топиш мақсадида ташкил этилди, десақ муболага бўлмас.

– Қишлоқ хўжалигида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларида олданда турган муаммолар ечими ва истиқболли вазифаларга бағишланган ушбу тадбирда юртимизнинг турли ҳудудларидан 200 дан ортиқ фермер ва деҳқон хўжалигини юритувчи аёллар, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар ва агробизнес вакиллари иштирок этди.

Мулоқот

Фермер аёллар фаолияти кўнгилдагидекми?

– Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич кенг қўламда туб ислохотлар амалга оширилмоқда, – деди "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова. – Йил сайин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчи, қайта ишловчи ва уни сақлаб истеъмолчиларга етказувчи

хўжаликлар сони кўпайиб бормоқда. Чорвачилик соҳаси ривожига ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ ҳудуддаги аёлларнинг бундай ресурс ва хизматларга янада яқинлашиши иқтисодий имкониятлар ва самарадорлигини оширади, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшиб, ўз оилалари турмуш даражасини яхшилинишига хизмат қилади. Шу боис фермер аёллар сонини кўпайтириш, уларнинг малакасини ошириш, фермер хўжаликларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантиришда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун форум доирасида ана шундай ёндашувлар, уларни жорий этиш ва келгусидаги самараси хусусида сўхбатлашамиз. Бу эса иштирок этаётган тадбиркор

Форум

Фермер аёллар фаолияти кўнгилдагидекми?

аёлларимиз учун жуда асқотади. Шу кунги фермер аёллар фаолиятини ривожлантириш истиқболлари бўйича сессиялар ташкил этилди.

– Сессияларда Ўзбекистон мева-сабзавотчилик сектори ривожланиш истиқболлари ва соҳанинг экспорт салоҳияти, "Фарғона водийси аёллари учун Агробизнес ва мева-сабзавотчилик" мавзусида ўтказилган синов тренинги натижалари ва тавсиялари билан танишдик, – дейди Тошкент вилоятидаги "Олтин бог барака" фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Нигора Турсунова. – Шунингдек, фермер аёллар ва деҳқон хўжалиги юритувчиларнинг тадбиркорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, малакасини ошириш, хорижий етакчи ташкилотларида тажриба алмашиш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш имкониятлари кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалигидаги инновацион бизнес моделлар соҳасида фаолият юритувчи етук мутахассислар ўзларининг тажриба, таклиф мулоҳазалари, иш натижалари билан ўртоқлашди. Бу менинг келгуси фаолиятимда жуда асқотиши табиий.

Форум сўнггида Ўзбекистонда фермер аёллар фаолиятини ривожлантириш бўйича тегишли давлат идоралари ва ташкилотларига таклиф ва тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Муҳими, мазкур тадбир фермер аёлларнинг ўзаро тажриба алмашиш ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш майдонига айланди. Муаммоларини ечим ва истиқболли вазифаларни белгилашда давлат идоралари билан мулоқот кўприги вазифасини бажарди.

Нурхон ЭЛИМРИЗАЕВА, "XXI asr" муҳбири

Депутатлик гуруҳларида

Ҳоким ўринбосари “имтиҳон” топширди

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиб, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари П. Мадраимовнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъбир жоиз бўлса, ижроия ҳокимияти мутасаддиси қилган ишлари юзасидан маҳаллий кенгаш депутатларига ўзига хос “имтиҳон” топширди.

– Собик пиво заводининг бўш турган объектлари негизда ташкил қилиниши белгиланган кичик саноат зонаси юртбошимизнинг 2018 йил 6 февралдаги “Хоразм вилоятда давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига сотиш ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилмоқда, – деди П. Мадраимов. – Худудларнинг чегаралари аниқланиб, лойиҳаларни жойлаштириш юзасидан хариталар ишлаб чиқилди. 22 объект алоҳида лотларга ажратилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур кичик саноат зонаси ҳудудда сут ва сут маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қуришни лойиҳаларини ишга тушириш режалаштирилган.

Икки марта ўтказилган танлов савдоларида ғолиб бўлган 22 та тадбиркорлик субъекти томонидан жами 21 миллиард 960 миллион 500 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш орқали 355 та иш ўрни яратиш белгиланган.

Йиғилишда О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши раиси Ш. Сафарбаев инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш, юзга келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш, лойиҳаларнинг бажарилиши ва иштиракчилар фаолияти самарадорлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш тўғрисида сўз юритди.

“Хоразм ичимлиги” МЧЖ раҳбари Руслан Отажанов ўз тадбиркорлигини бошлаш мақсадида “Микрокредитбанк”дан 7 фоизлиқ имтиёзли кредит олишда муаммолар юзга келаётгани, “Лайло Хива” хусусий корхонаси раҳбари Гайрат Давлетов буйруқбозлик тўсиқлари учраётгани, “Султон Сарой” оилавий корхонаси раҳбари Равайнбек Зарипов ташкил қилган иссиқхонаси бўйича кадастр ҳужжатларида камчиликлар мавжудлиги туфайли рўйхатга қўя олмаётганини айтди. Тилга олинган масалаларнинг тезроқ ҳал этилишини туман Кенгаши депутатлари назоратга олишди.

Ҳоким ўринбосари “имтиҳон”ни қандай баҳога топширганини эса вақт кўрсатади.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,
О'zLiDeP Урганч туман
Кенгаши раиси, халқ депутатлари
Урганч туман Кенгаши депутати

Қарор ва ижро

Доимий назорат ва амалий ёрдам

Мамлакатимиз саноат тизимининг етакчи тармоғи саналган қишлоқ хўжалигини тубдан янгилаш, фаолиятни ташкил этишининг замонавий, синновдан ўтган, истиқболли ислохотларини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Агроекономика бўлими ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашни устидан назорат қилиш инспекцияси Фарғона вилоят бошқармаси томонидан Вазирлар-Маъкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Бош прокуратура ҳайъат мажлиси баённомасида кўрсатиб ўтилган топшириқлар ижроси назоратга олинган бўлиб, бу борада бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда.

Жумладан, вилоят бўйича 107 700 гектар ер майдонига, шундан ғўза қатор ораларига 84 100 гектар (78%), очик майдонларга эса 23 600 гектар (22%) бошоқли дон экиш белгиланган бўлиб, ўтказилган ўрганишларда туман-шаҳар ҳокимларининг кузги бошоқли дон экинларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорларига асосан вилоят бўйича ҳақиқатдан ҳам 107 700 гектар майдонга белгиланган экинлар экилгани аниқланди.

Ўтказилган мониторинг тадбирлари

давонида ғалланинг ривожланиш ҳолатига кўра 299 та фермер хўжалигининг 2 735 гектар ғалла майдони қолоқ, 1 285 та фермер хўжалигининг 2 737 гектар ғалла майдони ўрта ҳамда 3 042 та фермер хўжалигининг 82 269 гектар ғалла майдон яхши тоифаларига ажратиб олинди.

Тадбирлар давомида ривожланишдан орта қолган 299 та фермернинг бошоқли дон майдонларини қолоқликдан чиқаришга қаратилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, жумладан, ривожланишдан орта қолган ғалла майдонларида қўшимча арготехник тадбирлар ўтказиш белгиланиб, гектарига 5 тоннадан 10 тоннагача маҳаллий ўғит ва гектарига 50 кг. гача қўшимча минерал ўғит селиш ишлари амалга оширилди.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, вилоятда 2019 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон етиштиришга 369 миллиард 420 миллион сўм миқдорда моддий ресурслар ажратилиши режалаштирилиб, бугунги кун ҳолатига 157 миллиард 100 миллион сўм ёки 42,5 фоиз пул маблағлари жамғармадан ажратилган. Шундан 156 миллиард 100 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ёки ажратилган маблағнинг 99,2 фоизи ўзлаштирилди.

Ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларига моддий-техник ресурсларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилиши ҳамда улардан

мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатилди.

Афсуски, инспекциянинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан ғалла майдонларида арготехник тадбирларни амалга оширилиши давомида ишларини сифатли ва ўз муддатига ўтказиш юзасидан ўтказилган мониторинг текширишлар давомида бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, инспекциянинг туман бўлимлари томонидан туман ҳокимликларига қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан 15 та тақдирнома киритилди.

Эътиборли жиҳати, инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан фермер хўжалиқларида ўтказилаётган доимий мониторинг ишлари ва кўрсатаётган амалий ёрдамлари туфайли бошоқли дон майдонларида олиб борилган арготехник тадбирлар сифати яхшиланди. Натижада қолоқ деб топилган майдонларнинг ҳолати ижобий томонга ўзгаришига эришилди.

Инспекция томонидан олиб борилган бундай амалий тадбирлар қишлоқ хўжалиги ривожини, юрт фаровонлигини ҳамда дастурхонимиз тўқин-сочинлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Иномжон ТАДЖИБАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
инспекциянинг Фарғона вилоят
бошқармаси катта инспектори

Тақдимот

Эртакни энди телеграм каналида тинглаш мумкин

Менинг бир дostonим бор: ҳар кун, ҳар жойда айтавермайди. Ғўё ичимда яралади, хаёлларимда куйланади. Уни фақат бир ўзим тинглайман, гап қўшмайман, сўзини бўлмайман. Жимгина кулоқ соламан: “Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда, бир эртак эшитганим, сўзлаб берарди буюм...”



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган тақдимот болажонлар учун айна муддао бўлди. Улар энди эртак эшитиш учун буюмларини қўтиб ўтиришмайди. “Болалик кунларимда” дея номланган бу лойиҳанинг асосий мақсади эртакларнинг аудио талқинини яратиш орқали халқ оғзаки ижоди намуналарини келажақ авлодга етказишдан иборат. Лойиҳа таъсисчилари берган маълумотга кўра, замонавий студияда ёзилган аудиоэртаклар мунтазам равишда махсус телеграм каналда ўзбек ва рус тилларида муайян вақтда белул қўлаб борилади ва ойнанинг охирида овозлаштирилган ўн та эртак диска ёзиб сотувга чиқарилади.

Тақдимот маросимида лойиҳанинг илк маҳсули – “Зумрад ва Қиммат” эр-

таги Ноила Тошкенбоева, Рустам Расулов, Дилноза Кубаева, Зуҳра Солиева, Муниса Ризаева каби театр ва санъат вакиллари ижросида жонли овозлаштирилиб берилиши тадбирда иштирок этаётганларда катта қизиқиш уйғотди.

– Мактабгача таълим вазири билан ҳамкорликда яратилган бу лойиҳамиз орқали келажақда аудио эртакларни оммалаштириш ва миллиатимизнинг улкан маданий меросини тарғиб қилиш йўлида ўзбек халқ оғзаки ижодининг қардош давлатлар тилидаги аудио эртаклар платформасини шакллантирмоқчимиз, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Президенти Админис-**

трацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Комил Алламжонов.

Ҳа, кўнглини меҳрга ўраб, юракка куч бериб турғувчи бу туйғу – болалик хотиралари чиндан ҳам бир эртагу дoston. Сира ўлмайди ҳамда тинмайди ва инсонни эзгуликка чорлайверади. У ҳуснда тенги йўқ маликалару паҳлавон кенжа ботирлар ҳақида, ялмоғиз кампирлару Кўҳикофда яшаيدиган сариқ девлар тўғрисида, фарқи йўқ, болалик яратган оламнинг сеҳрию муъжизаси сира тугамайди.

Шахло РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Жавоб

Ҳам ижобий, ҳам ижодий ҳамкорлик зарур

Газетани тарих соатининг сонияни кўрсатувчи милага қийслайдилар. Жамиятнинг лаҳзама-лаҳза юрак зарбларини матбуот худди кардиограмма каби акс эттириб боради. Даврий нашрлар, таъбир жоиз бўлса, “Микро, халқнинг том маънода “тириклик аломати”ни ифодалайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча жабҳаларда янгиликлар, ўзгаришлар жадаллаша бошлади. Мақсад муштарак бўлгани билан, маррага элтувчи йўлларнинг, ишга ёндашув ва усулларнинг турфалиги шароитида оммавий ахборот воситаларимиз ислохотлар ошқоралигининг зарур қафолатларини таъминлайдиган, демократик принципларни изчил амалга оширадиган ижтимоий институтга айланишга интилоқда.

Ушбу жараён, табиийки, силлиқ кечаётгани йўқ. Сўз эркинлиги нафақат халқимиз ва журналистларимиз, балки турли бўғинларда фаолият юритаётган раҳбарларимиз ҳам маълум маънода тайёр эмаслиги аён бўлиб қолди. Биз бу ҳақдаги хавотирларимизни “Ҳокимлар газета ўқи(ма)йди, вазирилар-чи?”, “Фурсат ганиматдир...”, “Матбуот: ё ҳаёт, ё мамот!” каби мақолаларда баён этганмиз. Бошқа нашрларда, хусусан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти – “uza.uz”да ҳам матбуотда кўтарилаётган муаммолар турли вазирилик ва ташкилотлар томонидан безътибор қолдирилаётгани ҳақида бонг урилди. Бизни мамнун этаётгани шуки, кейинги вақтларда бундай номақбул муносабат аста-секин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Газеталарнинг вазифаси амалдорлар оёғига тўғаноқ бўлиш эмас, балки ҳаётбахш ислохотлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда ўзларига қўмаклашиш эканини тушунаётган ва шунга яраша ижобий ҳамкорлик қилишга чоғланаётган замонавий фикрловчи раҳбар кадрларимиз кўпайиши тарафдоримиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси

“XXI asr” газетасининг 2019 йил 17 январдаги 2 (792)-сонини 8-саҳифасида ҳамда мазкур газета таҳририятининг www.21asr.uz веб-сайтида 2019 йилнинг 17 январь кунини соат 13:03 да эълон қилинган “Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунади?” сарлавҳали мақоласи юзасидан **РАДДИЯ**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукумати томонидан мамлакатимизда ўқувчиларнинг жамиятимиздаги обрўсини ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилган. Хусусан, юртбошимизнинг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарорининг 16-бандига кўра, халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбурланган бўлишини ташкил этиш тақдирланади.

Олиб борилаётган ислохотларга қарамай, “XXI asr” газетаси таҳририятининг томонидан чоп этилган “**Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунади?**” сарлавҳали мақолада муаллиф **НОТЎҒРИ МАЪЛУМОТЛАР КЕЛТИРИЛГАН.**

Қонуний таъқиқ ва талабларга қарамасдан, таҳририят мақолада Халқ таълими вазирига халқ таълими соҳасига оид нашрлар таҳририятларида таълим системасини биладиган қайсар журналистлар ишлаганидан кўра у айтган гапларини (нотўғри бўлса-да) қўлайлидан ҳайбаракаллачи “компьютерчи робот”лар кераклиги таъкидланган жумлаларни қўйиши нафақат халқ таълими тизимидаги ислохотларга, балки Ўзбекистон Республикасининг информацион-коммуникацион технологияларни ривожлантириш, уларни янги босқичга олиб чиқиш, инновация ва янгича фикрлайдиган ёшларни сўнги илм-фан ютуқларидан бохабар етук кадрлар этиб тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатида қарши позицияда эканлигини кўрсатади.

“Биринчидан, вазир Президент номидан иш кўрмоқда ва шу пайтгача бошлаган иши бўйича унга ҳеч ким эътироз билдиргани йўқ. У системадаги барча раҳбарларни алмаштириб бўлди. Юқоридики қарордан биринчи мақсад энди таълим нашрлари раҳбарларини ҳам алмаштириш ва шу баҳонада таҳририятлардаги кадрларни ўз сиёсати-га қарши чиқмайди янгиликлар билан ўзгартиришни кўзламоқда.”

Таъкидлашимиз керакки, ҳозирги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ўзини кўрсата олмаган ходимларни лавозимларидан озод этиб, улар ўрнига ташаббускор ва янгиликка интилаётган ходимларни жойларига қўйиш сиёсатини илгари сурмоқда. Худди шундай вазифа, Халқ таълими вазирилик олдида ҳам қўйилган. Кадрларни алмаштиришдан асосий мақсад қўйилган вазифаларга эришишдир. Шундай экан, нашр раҳбарлари ўз фаолиятларини яхшилаш олма-салар, улар ҳам жойларига ўтирмайдилар. Ходимлари яхши маош олишлари учун раҳбарият маъсулдилар.

Шунингдек, мақолада баён қилинган “У интернетда эълон қилинадиган салбий ахборот ёки танқидни бартараф этишнинг ҳадисини олган” иттиҳосини тасдиқловчи далиллар нашр ёки муаллифда мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг турлилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Мақолада нафақат Халқ таълими вазирилик, балки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида нисбатан ҳам тўхмат учрайди: “Вазирликнинг ана шу ғоясига “ҳамдард”лар юқорироқ идоралар ҳам бор, шекилли...”

билан жамият ҳаёти учун муҳим қарорларни қабул қилишдан олдин шу ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тартиби жорий этилгани чинакам демократик давлат куриш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди дейиш мумкин. Худди шу таомилга кўра regulation.gov.uz сайтыда эълон қилинган “Халқ таълими тизимидаги оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси қизгин баҳсларни келтириб чиқарди.

Бизни қувонтиргани, мазкур қарор лойиҳасини ишлаб чиққан Халқ таълими вазирилик ҳеч бир фикр-мулоҳазани эътиборсиз қолдирмади. 2019 йил 21 январда расмий веб-сайтида бир неча нашрлар, хусусан, ижтимоий тармоқлардаги вақтинчи мақолалар бўйича ўз позициясини маълум қилди. Айнан “XXI asr” газетасига эса вазир Ш. Шерматов 4 февраль кунини имзолаган 01-017-48-сонли хат жўнатилиб, таҳририят ва муаллифга эътирозлар билдирилди. Ушбу ҳолатлар жамоатчиликнинг айрим тоифалари орасида учрайдиган “газета ўқимайди”, “фақат интернет билан ишлайди” қабилдаги гап-сўзларни йўққа чиқариши билан кишини хурсанд қилмай қолмайди. Асосийси, ҳам ижобий, ҳам ижодий ҳамкорлик зарур. Ишчан вазириликнинг энг муҳим демократик институт бўлган матбуот билан бундан-да яқин ва илиқ муносабат ўрнатилишдан умид қилишга ҳақлимиз, албатта.

Қуйида таҳририят электрон почтасига Халқ таълими вазирилик томонидан ёзиб жўнатилган раддия матнини ҳеч қандай таҳрирсиз, асл ҳолича чоп этишни лозим топдик.

Мақолада ҳеч қандай далилларсиз ёзилган “Амалда мактаб директорларига “Обуна деган гап оғзиндан чиқса ишдан ҳайдаласан”, дейилмаган бўларди...” иттиҳоси тўхматлир. Муаллиф ушбу гап билан республикамизда амалга оширилаётган ўқитувчиларнинг касбининг обрўси ва ижтимоий маъқеини оширишга қаратилган, уларнинг жамиятдаги нуфузини кенг тарғиб қилиш, ўқитувчиларнинг ютуқларини оммалаштириш, халқ таълими соҳасидаги муаммоларни ёритиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш, **мажбурий меҳнат ва обундан ҳалос этишга қаратилган давлат сиёсати**га қаршиликларини кўрсатади.

Жумладан, мақола муаллифи “юқоридики қарордан биринчи мақсад энди таълим нашрлари раҳбарларини ҳам алмаштириш ва шу баҳонада таҳририятлардаги кадрларни ўз сиёсатида қарши чиқмайди янгиликлар билан ўзгартиришни кўзламоқда” каби нуқтаи-назарни келтирган. Бундан ташқари, мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовга нисбатан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатган. Жумладан, муаллиф “Ш.Шерматов газета ўқимайди (аскилик сарқити эмиш)”, “У интернетда эълон қилинадиган салбий ахборот ёки танқидни бартараф этишнинг ҳадисини олган” ва “Сайтдан олдириб ташловмаган тақдирда ҳам, уни ҳамма ўқий олмайди, тез фурсатда хаволарда совурилиб кетади. Газета эса, Фейсбукдаги ёзишмаларда таъкидланганича, “қиёматгача сақланади” каби иттиҳослар келтирган. Муаллиф аноним манба (вазириликнинг собиқ ходими) сўзларига таянган ва бу сўзларни тасдиқловчи ҳеч қандай далиллар келтирмаганлигини тан олади.

Ушбу мақолада муаллиф ва “XXI asr” газетасининг таҳририяти муҳокамага қўйилган ҳужжат мазмунига конструктив тақлифлар киритиш ўрнига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказишга ҳаракат қилган. Муаллиф ва газета таҳририяти муҳокамага қўйилган Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси мазмунини ва мақсадларини ҳамда келтирилган иттиҳосларнинг ҳаққонийлигини текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликни ёки унинг матбуот хизматига мурожаат этмаган. Бу ҳам бизнинг камчилигимиз.

“XXI asr” газетаси раҳбарияти томонидан мазкур мақола муаллифи Халқ таълими вазири Ш.Шерматов шахсига доир асосланмаган маълумотлар берганлиги, газетамиз маъсул ходимлари томонидан эса мақоланинг таҳрирсиз чоп этилганлиги аниқланди. Бунинг оқибатида эса Халқ таълими вазири Ш.Ш.Шерматовнинг обрўсига, шахсига ҳамда фаолиятига путур етказганлигини инобатга олган ҳолда газетамиз раҳбарияти Шерзод Хотамовичдан ўзр сўраган ҳолда, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслигини, мақолани чоп этилишига маъсул бўлган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини билдирди.

Шу билан “XXI asr” газетаси раҳбарияти ва жамоаси Халқ таълими вазири хурматли Шерзод Хотамовичнинг келгуси фаолиятида омадлар тилаган ҳолда, унинг раҳбарлиги остида вазирилик томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни оммага етказиш борасида ҳамкорлик қилишдан мамнулимиз билдиради.

Қадимда бўлган экан...

Омонатга... хиёнат



...Уч фарзанд, саккиз етим жиянининг бошини силаётган Ҳодихўжа урушга кетадиган бўлди. Шунинг учун оиласи учун егулик захирасини ғамлашга аҳд қилди. Урушдан қайтадимми-йўқми — ёлғиз худога аён.

Ҳодихўжа сира тиним билмасди. Хўжаликнинг қаровисиз ётган, сув чиқмайдиган адирларига бугдой экиб, яхшигина хирмон кўтарга бошлаганди. Уша йиллари одамларни очликдан сақлаш учун ҳукумат лалмикор майдонларга ғалла экиб олишга руҳсат берганди. Ҳосилдан бир қисмини давлатга топширсангиз бўлди, қолгани ўзингизники. Ҳамма ҳам бу ишни эплай олмас, ҳали ер ағдарилган от, ҳали сепишга уруғ тополмай сарсон эди. Ҳодихўжа иқтисодни яхши биллади, хонадонидаги ҳар бир кишини тежамкорликка ўргатган. Шу боис одамлар бир пиёла ун сўраб юрган кезларда ҳам унинг омбори ғаллага тўла бўларди. Каттагина майдонга мош, нўхат экиб қўйибди. Ҳосилини хотини билан болалари амаллаб йиғиштириб олишди. Аммо экан бугдойини йиғиб-териб, ишончли жойга яшириб кетмасе, ўғрилар талон-торож қилиши аниқ. Қаҳатчилик замонида тактақ териб юрганлар қанча. Кўпчилик тактақдан бўлган қотирмага ҳам етолмаяпти.

Бу йил баҳор жуда серёғин келди. Осмондан Аллоҳнинг баракаси ёғилди. Ғалланинг ҳосили роса мўл бўлди. Буям болаларининг ризқи. У экин даладарини куну тун ўғри ва қушлардан қўриб бошлади. Бугдой бошоқлари шу қадар бўлиқки, қўлинг тегиши билан тўкиламан дейди. Урушга яроқли эркакларнинг бари фронтда. Қишлоқда қоллар ва

аёлларгина қолган. Дўсти Матюсуф отдан йиқилиб, бели майиб бўлди. Шунча даво қилса ҳам, ўзига келолмади. Охири тақдирга тан бериб, молнинг орқасидан юрибди. Ҳодихўжа кўп йиллик қадрдонига қаттиқ ишонади: бироз шоқалоқ бўлса-да, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаган.

Ҳодихўжа тузган режасини амалга ошириш учун Матюсуфнинг олдига борди.

— Фронтга кетаётган эмишсан, — деди ҳорғин жўраси. — Мениям олиб кетсан, немисларни бир адабини бериб кўярдим-да.

— Сен учун ҳам ўзим жанг қиламан, — деди Ҳодихўжа унга тасалли берганча. — Фашистларни келган жойигача қувиб бормасам, юрган эканман. Сен эса менга бу ерда кераксан. Эшикни ёнайин, маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Матюсуф дўстига синчков қаради. — Мен қачон қайтаман, худо биллади. Шунинг учун иккаламизнинг рўзгоримиз учун ғалла жамғариб қўйсак.

— Бугдойинг шунчалик кўпми?

— Ҳар ҳолда, икковимизнинг оиламизга етади. Лалми майдонлардан анчагинасига ғалла эканман. Ҳосили роса мўл бўлди. Шунинг йиғиштириб ўрага жойласак, агар тежаб ишлатилса, бемалол икки йилга боради.

— Марқа момонинг бўйрасидан тўшасак, сира-сира нам ўтмайди, — унинг гапини маъқуллади Матюсуф.

— Сен бўйрани суриштирасан. Тайёри йўқ бўлса, тўртта яхши бўйра тўқисин. Хизмат ҳақига бир халта бугдой берамиз. Иложи бўлса бултурги қамишдан тайёрласа, жуда пишқ бўлади. Бу йилги қамишлар ҳали яхши қотгани йўқ.

— Урани қаердан қазамиз. Ўғриллар билиб қолса, олдириб қўяман. Олдиндайд кучим йўқ, огайни...

— Ҳеч кимга чурқ этмайсан. Кечаси ишлаймиз. Катта уйингнинг тагини қовлаб, бор бугдойни ўша ерга тўкамиз. Буни хотининг ҳам билмасин. Аёлларнинг оғзи бўш, бир жойда лаққиллаб қўйса, худо урди деявер. Токи бугдой тамом бўлгунча, қаердан олаётганини айтмайсан. Акс ҳолда, ўғрилар бир кечада сени ўлдириб, бугдойни талаб кетишади.

Матюсуф ўзи учун алоҳида меҳмонхона қурган, чавандоз дўстлари келганда шу ерда кўноқ бўлишарди. Икки огайни туну билан меҳмонхонадан ўра қовлашди. Марқа момо бир халта бугдойнинг даррагини эшитган, айтилган ўлчамларга қараб, эски қамишдан саккизта пишқ бўйра тўқиб берди. Ғалланинг тагига икки қават тўшалса, нам мутлақо ўтмайди, дон кўқариб кетмайди.

Ҳодихўжанинг таклифига кўра иккита катта ўра қазашди. Жой тайёр бўлган, жиянлару болаларини олди-га солиб, бугдойзорга жўнади. Эски чопонни кийиб олиб, туну кун ғалла ўрди. Даланинг ўзида эшаклар билан янчиб, донини совуриб, қопларга жойладилар. Ҳодихўжа ғаллани хўжаликка топшириш кераклигини айтиб, жиянларига жавоб бериб юборди.

Ярим тунда икки огайни қопларни эшакларга ортиб, Матюсуфнига олиб келишди. Ғалла челақ билан иккига бўлиниб, ўраларга жойлашти-

рилди. Матюсуф баландликда яшашни яхши кўради. Шу боис қишлоқнинг ёнидаги тепалиқдан ўзига уй солганди. Тепалиқда қазилган ўрада ғалла кўп йил ўз ҳолича туради. Доннинг тагидан ҳам, устидан ҳам бўйра тўшаб қўйсангиз бўлди. Кейин озгина тупроқ ёйилиб, суваб қўйилса, олам гулистон. Лойсувоқ қуриб, Матюсуф уйга кириб олган, Ҳодихўжанинг кўнгли таскин топди. Икки дўст тонг отгунча суҳбат қуришди, ёшлиқларини эслашди. Шунча йил дўст бўлиб, бирор марта ҳам бир-бирини алдамаган экан. Ана шуниси дилларга ором беради. Ҳаётда кимдир сенга ишонса, сен ҳам дўстинга содиқ бўлсанг, умринг дафтарига садоқат ва вафо, дўстлик ва меҳру оқибатдан битила-жақ сатрлар қалбинга қувонч бағишлайди.

Эртаси кун Ҳодихўжа нон халтасини елкага осиб, урушга жўнайдиган бўлди. Кетар чоғида дўстининг олди-га келиб, қайта-қайта тайинлади.

— Менинг давлатим — сенинг давлатинг. Биз бир умр содиқ дўст бўлишга қасамёд қилганмиз. Шундай экан, мен сенга ёрдам беришга ҳақлиман. Битта ўрадаги ғалла сеники. Худо хоҳласа, икки йилгача етади. Иккинчи ўрадаги донни менинг оиламга оз-оздан бериб турасан. Ўзингга эҳтиёт бўл, бу сир иккимизнинг ўртамазда қолсин.

— Айтганимдай қиламан. Токи мен тирик эканман, болаларинг оч қолмайди. Сенга хиёнат қилиш менга ўлим билан баробар.

— Илтимос, болаларим, сағирларим — бу дунёдаги энг яқин кишиларим. Уларсиз менга дунёнинг кераги йўқ. Ўймай қайтсам, бир умр хизматингда бўламан. Бола-чакамни сенга, сени худога топширдим. Омонат-

ни эҳтиёт қил!

Матюсуф молини, оиласини унга омонат ташлаб кетаётган дўстини бағрига босар экан, кўз ёшларини тия олмади.

— Тангри ёр бўлсин! Бевақт ўлимдан Тангрининг ўзи асрасин!

...Ҳодихўжа жаҳаннамга айланган талотумдан ярим жон бўлиб қишлоғига қайтиб келганида ҳамқишлоқларининг деярли ҳаммасидан "қора хат" келганини эшитди. Кимдир ҳалок бўлган, яна кимдир бедарак йўқолган.

Хотинининг айтишича, нўхат-мош кунларига ора кирибди. Энди тактақ териб амаллаб кун кўришаётган экан. Нозима белини бойлаб, болалари билан сағирларни далага бошлаб чиқибди. Меҳнат ҳақига қолхоздан озроқ ғалла олишибди.

— Матюсуф жўрам соғ-оммонми? — сўради ҳовлиқиб Ҳодихўжа. — У сизларга ҳеч нарса бермадимми?

— Қандай берсин, бечоранинг болалари очликдан қийналиб кун кўрапти-ку. Улоқчи отиниям сотиб юборган эмиш. Ҳозир аҳволи яхши эмас. Анчадан буён касал ётибди. Бир кўриб келинг, анча далда бўлади. Ахир, қиёматли дўстингиз.

Ҳодихўжа янтоқзор оралаб тез-тез юриб кетди. Наҳот Матюсуфни ўғри урган бўлса. Айтгудим-а, ознинг маҳкам бўл, деб. Қарисаям одам бўлмади бу нодон.

Матюсуфнинг хотини зўрга эшикдан чиқиб келди. Кўзларида ёш билан Ҳодихўжани қарши олди. Матюсуф ётган хонани кўрсатаркан, индамайгина ортига бурилди.

Бир пайтлар қишлоқ кўчаларини тўлдириб, гуриллаб юрган чавандоз Матюсуф ранглари оқариб, қуруқ суякка айланиб қолибди. Ошнаси эшикдан пайдо бўлиши билан тилга кирди:

— Ўзингга шукр, Парвардигор, мени юз қаролиқдан асрадинг, армон билан ўлмадим.

— Матюсуф, сенга нима бўлди? Нега бундай аҳволга тушиб қолдинг, ахир...

— Ҳодивой, бормисан, огайни! Сени қайта кўраман деб ўйламовдим. Эсон-омон келдингми? Йўлларингга қанчалик термулганими билсанг эди. Шунчаам куттирасанми?

Сенга омонатингни топширмасдан кўзим юмолмаслигини наҳот билмасанг.

— Нималар деясан, Матюсуф. Қандай омонат? Тушунтириб гапирсанг-чи мундоқ?

— Мана, менинг тагимда ўша омонат. Сен қайтиб келганимда, омонатингга қўл ура олмайди. Дўстининг молига хиёнат қилгандан кўра очликдан ўлганим яхши дедим.

— Ахир мен сенга нима дегандим. Нега бундай қилдинг? Эсингни еб қўйибсан, жўра.

Аваллига ишонмади, ғаллани ўғрилар талаб кетгандир деб ҳам ўйлади. Кейин беморни кўра-тўшаги билан даст кўтариб, бир чеккага қўйди-да, телбаларча уйнинг тагини қовлай бошлади. У ҳеч нарсани сезмас, қонталаш қўллари билан тупроқ ва бўйра парчаларини ҳар томонга итқитарди. Кўп ўтмай, дўстига ишониб ташлаб кетган ғалла кўринди. Қарангки, шунча вақт ўтган бўлса-да, хирмондагидай турибди.

Шунча йил минг азобда яшаб, фронтда ҳалок бўлган дўстларини ўз қўли билан тупроққа қўйиб кўзига ёш келмаган Ҳодихўжа бу гал ўзини тутолмади. Қўл ҳам теккизилмаган ғаллани чангаллаганча ўқибди юборди.

Матюсуф қанча қаршилиқ қилмасин, ғалланинг тенг ярмини унга қолдириб, қолганини уйига ташиб кетди. Ҳодихўжа дўстини даволатиш учун бормаган жойи қолмади. Тоғлардан гиёҳлар териб келиб, димламалар қилиб ичирди, белангига фойда берадиган дори-дармонларни топиб келди. Матюсуф отга минолмасе-да, оёққа туриб кетди. Болаларига бош бўлиб, кўп йил яшади.

Эвоҳ, бола-чақаси очликдан азоб чекаётган, ўзи оғир хасталиқдан қийналаётган бўлса-да, Матюсуф ака дўстининг омонатига хиёнат қилишни гуноҳи азим деб билган экан...

Раҳматли отам айтиб берган бу ҳикояни ҳар гал эслар эканман, қалбимни жавобсиз бир савол тирнаб ўтади. Биз иймонли, инсофли ва ҳалол инсонларнинг авлодларимиз. Бир кун паймонамиз тўлғач, ёлғизларимиз ҳузурига ана шундай ёруғ юз билан қайта олазимми?

Сайфулла ИКРОМОВ

"XXI asr" жавоб беради

Қоидани бузган ҳайдовчи қанча миқдорда жарима тўлайди?



Илтимос, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун амалдаги жарималар миқдори ҳақида батафсил маълумот беринг.

Ҳ. Рамазонов,
Бахмал тумани.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун амалдаги жарималар миқдори қуйидагича:

- * хавфсизлик камарини тақмаслик — 101 365 — 202 730 сўмгача;
- * телефондан фойдаланиш — 608 190 — 1 013 650 сўмгача;
- * тезликни ошириш — 202 730 — 3 040 950 сўмгача;
- * қизил чироқда ўтиш — 405 460 — 1 013 650 сўмгача;
- * тўхтаб туриш қоидасини бузиш — 608 190 — 3 040 950 сўмгача;
- * транспортни ҳужжатсиз бошқариш — 202 730 — 2 027 300 сўмгача;
- * суғуртасиз машинани бошқариш — 202 730 — 608 190 сўмгача;
- * носоз транспортдан фойдаланиш — 608 190 — 1 013 650 сўмгача;
- * маст ҳайдовчига транспортни бериш — 3 040 950 сўмгача;
- * мастлиқни текширишдан бош тортиш — 608 190 — 6 081 900 сўмгача;
- * маст ҳолатда машина ҳайдаш

- 5 068 250 — 8 109 200 сўмгача;
- * авариядан кейин қочиб кетиш — 6 081 900 сўмгача;
- * пиёдалар йўлакчасидан юриш — 101 365 — 810 920 сўмгача;
- * сигнал ва фара қоидасини бузиш — 202 730 сўмгача;
- * фараларни ойнасимон қорайтириш — 202 730 — 405 460 сўмгача;
- * темир йўлдан ўтиш қоидасини бузиш — 608 190 — 1 013 650 сўмгача;
- * гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш — 608 190 — 1 013 650 сўмгача;
- * авария ҳолатини келтириб чиқариш — 1 013 650 — 4 054 650 сўмгача;
- * ўзганинг транспортга шикаст етказиш — 405 460 сўмгача;
- * енгил тан жароҳати етказиш — 1 013 650 сўмгача;
- * йўл ва йўл-иншоотларини шикастлаш — 2 027 300 — 3 040 950 сўмгача;
- * ИПХ ходими талабини бажармаслик — 101 365 — 608 190 сўмгача;
- * пиёдалар йўл қоидасини бузиши — 60 819 — 608 190 сўмгача.



Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганида...

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганида унга қанча миқдорда нафақа тайинланади?

С. Муродова,
Юнусобод тумани.

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ қуйидаги нафақа миқдорда тайинланади:

- * умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;
- * умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;
- * умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди;

* вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат, шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

Олий суд катта консультанти
Акмал АЛИЕВ жавоб берди

"BEST AUTO AUKSION"

масъулияти чекланган жамияти

бошлангич баҳоси ошиб
бориш тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига
таклиф этади!

Савдога "Ўзкимёсанотлойиҳа" АЖнинг 2019 йил 26 февралдаги бюртманомасига асосан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкентчаси 4-уйда сақланаётган модулли қозонхона такроран қўйилмоқда.
Мулкнинг бошлангич нархи — 62 066 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 18 март кун
соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).
Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати 2019 йил 15 март кун 18:00 да тўхтатилади.
Мулк 2019 йил 18 мартдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 2 ва 17 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш такрорий савдо кунларидан бир кун аввал соат — 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчисининг АТБ "Капиталбанк" ТШФдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

20208000900805784001,
МФО: 00445, СТИР: 305089257.

Савдо ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри
Юнусобод тумани
Осиё кўчаси 1-уй.

Тел: (95) 193-01-11.
Электрон почта манзили:
bestautoauksion@mail.ru

Гувоҳнома: №547246.

Кўнгил минтақаси

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Сурхон боғларида гул тўкди ўрик

...Етмишинчи йилларнинг бошлари, май ойимиди, июл-миди, эсимда йўқ, лекин иссиқ, эсимдагиси – тупроқ стадион, чанг-тупроққа беланиб “мактаб шарафини ҳимоя қилаётган” синфдош, тенгдош жўралар, мени барча ўйинлардан маҳрум этган физкультура муаллими, эсимдагиси – у мени дабдурустдан стадионга йўлатмайди, “бор – дейди, – сенинг жойинг бу ерда эмас, бор, кутубхонага бор, дарсингни қил, китобингни ўқи!”



Менга бўлса алам қилади. Бутун стадион, синфдошларим, тенгдош жўраларим майдон чеккасида турган мактабдошларим устидан кулаётгандек қийқариб-олқишлаб копток суради, мен эса...

Аниқ-тиниқ эсимда: 1974 йилнинг 28 август санаси. Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига ўқишга кириб борганимдан кейин “Физрук” Эшназаров ҳаммасини айтиб беради. Яъни, футболга берилиб кетмаслигим учун мени ўйинга қўймасликини унга отам тайинлаган экан. Гап нимадалигини билан ўқишга (яна қаерга денг, ТошДУга, университетга, журналистика факультетига!) кириб келишимнинг ўзи мактабимнинг шарафини аъло даражада ҳимоя қилиш билан баробар эди. “Ничево, – дейди физрук, – маладес! Мана энди қанча ўйнасанг арзийди. Отанг жуда хурсанд сендан. Қандингни ур, маладес!” – дейди-да, мени оқшом стадионга футболга таклиф қилади...

Стадион! Мактаб стадиони... Синфдошларим йўқ, тенгдошларим йўқ, у шодон қийқариб-олқишлардан асар ҳам қолмаган. Командамизнинг ягона ашаддий ишқибози

– гўё ҳамма фақат унинг учунгина гол уриб, голиб чиқишга интилгандай – шўху шаддод Раҳима ҳам йўқ. Атрофи пахтазор, ярим олақурак чим, ярми чанг-тупроқ мактаб стадионидан бир бузоқ шаталоқ отиб юрибди. Дарвозалардан бири қийшайиб ётибди, бошқа дарвозанинг ёғочига эса ориқ-қартанг сигир боғлаб қўйилган. “Мен бу ерда нима қиламан?!”

Кўнглимдан кечган илк хулоса билан кўз ўнгимда турган ғариб-ночор манзарадан мактабимга ҳам, стадионга ҳам раҳим келади. Кетаман.

Ўша пайтлар ўсмирликнинг тиник, аммо уквусиз идрок билан битилган ҳикоя-қиссаларини газета-журналларга жўнатиш билан овунганман. Улар ҳеч ерда босилмайин, қай бир редакцияларнинг йўлақларию ўсмир орзуларимнинг унут галадонларида қолиб кетди. Бироқ эсимда қолгани мана бу: “Сариосиё ҳақиқати” газетаси, Маймиди, июлмиди, эсимда йўқ, лекин иссиқ, Ойибби момоннинг чиллаки узумлари энди ранг ола бошлаган, анорзор, шафтолизор боғимизнинг этагидаги қуюқ олча дарахтада кушлар, зочалару чугурчуқлар, зарғалдоқ ва майналар гўжон бўлиб қолган бир паллада – газетанинг тепасида “Далалардан дараклар” деб қўйилган

саҳифасида бир жуфт хабар босилиб чиқади. Бировининг остида менинг фамилиям, яна бировида “М. Кенжабоев” деб қўйилган хабарлар...

“Далалардан дараклар”да кўп чиқди. Кейин, мана, Тошкент университети. Журналистика факультети.

– Мирзо, – деди у. – Сариосиёдан. Кенжабоев. Энди бирга ўқиймиз... “Далалардан дараклар”ни эслаб қулишдик. Беш йилимиз бирга ўтди. Бирга ўқидик. Бирга оч қолдик... Университетни битирганимизга ҳам ҳадемай саккиз йил бўлади. Бизнинг хотиралар энди соғинчларимизнинг қуюқ лойсувоғи билан сувалган. Ҳаёту тирикликнинг “рубрика”лари газетадагидек эмас экан. “Далалардан дараклар”га энди қулмаймиз, у олис ўсмирликнинг олис шабадаси – эсладикми диллар орзиқди, орзиқаверади, эсладикми – диллар далаларга айланиб кетаверади, кетаверади.

Сурхон боғларида гул тўкди ўрик, Баҳорга чулғанди бизнинг жанублар. Кунлар шамолда гуллар барғидек, Учиб келаёттир хушбўй маклублар. Мирзобекнинг учинчи китоби “Муножот” ҳам ўша далалар, ўша бегубор паллаларнинг даво-

ми. Бу шеъринг тўплам “Кўёш нурларини ичган бир юрак”нинг муқоваланган зиблари, нурли соғинчлари.

Тунлар қаҳратоннинг захрини сезган
Ўзбекистон билан ёлғиз қоламан.

Бу танҳолик – кимсасиз одамнинг ноцор-нотавон ёлғизлиги эмас, бу – шоирнинг Ватан олдидаги бурчи, дил ҳисоботи. Боиси – одам боласи нима иш қилмасин, қайси касб-корда бўлмасин, барибир, ўз кўнглида ҳисоб бериб бориши керак: Ватан олдида. Мухаббат олдида.

Кетди, кетди кўп насим,
Қолди, қолди фақат бир исм – Ватан.
Ватанки, мен ҳануз ёлғиз чоғларим
Хилват анғизларга бағримни бериб,
Ўқириб-ўқириб йўғлайман:
Нечун, нечун дейман,
Бу муқаддас тупроқ устида
Юрурмиз биз овёк-ла,
Нечун юриб бўлмас юраклар ила?..

Мирзобек барча дардлардан хабардор шоир. “Кўри йўқ юраклар – оламнинг шўри” эканини яхши билади. “Мухаббатда фақат собит имонларга ишонгайман” дейди у ва сиз ҳам беихтиёр бу қатъий ва собит сўзларга ишонасиз.

Шоир ўз юрагининг майдонидан туриб сўзлайди. “Шеър дунёсига саяхат”, “Сафарсайис”, “Тонгда самолётлар уйғотар мени”, “Мен дарахтман”, “Тошкентдан гапираман”, “Юрий Гагаринни эслаб”, “Катта танаффуслар” сингари шеърлар шу майдонда янраган жўшқин-назмий нутқлардир.

Бироқ юрак фақат майдонгина эмас, юрак...

Энди бағир ўт олди,
Келди ўзга баҳорлар.
Юрагимдан ўтади
Дунёдаги беморлар.

Юрак фақат майдонгина эмас, юрак... юракка қулоқ солинг: “Мен дарахтман, онам-эй, юрак ёлғиз япроғим. Тошлар тегса танамнинг зирқирайди чапроғи!..”

Яхши-да, зирқираса, оғриса. Оғриқ, демак майдон мавжуд, гупуриб уриб турган, туну кун бедор-беҳаловат майдон. Ва, буни қаранглик “Тошкент – Душанбе” 180-поездининг (“Ватан минтақаси”) гилдираклари сизни олиб кетади. Вақт темир йўл шпалларида чопқиллаб-югургилаб қолаверади. Сиз кетасиз. Одамлар ўрнига Ватанлар кезиб юрган бекатлардан ўтиб, “гул ёқали паршон йигитнинг украин эмас, Украиналигини” англаб, ҳар манзил, ҳар бекатда Ўзбекистон билан юзма-юз келиб кетаверасиз.

Бу йўллар ҳақиқат йўли, озодлик ва содаёт йўли. Ватан олдидаги қарздорлик ҳисси, фарзандлик бурчи “Сахро дилинғизни шудгорлар

қилган” бу йўлларда уфқларга туташ она юрт кенгликларини тоғу даштлари қадр узаниб, ястаниб ётган садо бор:

О инсон, садқайи номинг кетай мен!..

Мирзобек дўстимиз бу назмий “Муножот” билан ўз кўнглидан – “юрагининг майдонларида” елиб юрган кенгликлардан дарак берибди. Дарак борми, демак юрак бор, юрак борми, демак, дардан дарак бор. Ажабмаски, унинг кейинги китоби “Юраклардан дараклар” деб номланса... (1986 (5.10.1986))

Умрим, сен ниятнинг шафақларида
Талпинган оловранг бир тахайюлсан.
Умрим, сен қисматнинг дарахтларидан
Тошкент боғларига тўқилган гулсан.

Умрим, лаҳзаларинг турнадек учди,
Сенинг турналаринг қолдими тирик?
Тошкент боғларини мовийлик қудди,
Тошкент боғларида гул тўкди ўрик.

Орадан... ўттиз икки йил ўтгандан кейинги “хушхабар”

Заҳматқаш шоиримиз Мирзо Кенжабекнинг яқиндагина “Наврўз” нашриётида чоп этилган ҳажман мўъжазгина, мазмунан жуда ҳам мухташам “Хушхабар” номли китобини ўқиб, рости гап ҳаловатимни йўқотдим. Ҳаловатимни йўқотдим, “шахсий архив” деб аталмиш йилларимнинг тахламлири – дунё-дунё қоғозлару дафтарларим орасидан юқорида зикр этилмиш мақолани топиш шарафига муяссар бўлдим. Орилиқ масофа ўттиз икки йилни ташкил этса-да, “Сурхон боғларида гул тўккан ўрик”ларнинг димоғимга урилган “хушбўй мактублари” ифорида сархуш ва беҳуд эдим. “Хушхабар”да ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг

Гулшаниндин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол

байтига боғланган тазмин шеър бор. Шу байтгинада бутун ҳаёту тирикликнинг баҳорию ҳазонрези, шоирлик қисматининг бор армону айриликлари жо этилгандай. Нима ҳолат бўлганда ҳам, шоир ўз зътиқоди ва маслаҳида собит ва устувор. Шу боис, ҳар бир сўз Ватандай англашилади, Ватан соғинчлари англиг дилини жимирлатади. Демак устоз Шукур Холмирзаев лутф этгандай: “Ҳаёт абадий”. Дийдор тугамайди. Хушхабарлар, хушбўй мактублар кўнглик муждаларидай келишда давом этаверади...

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамияти

касанаичилик тармоғи учун керак бўладиган тўқимачилик материаллари хариди бўйича
2019 йилнинг 25 февралдан 11 мартга қадар
ОЧИҚ ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ!

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумот билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти – www.sgcc.uz орқали танишишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Фазл 0375 (552-40-16)
Фузор тумани Шўртан қўрғони
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ
Электрон почта: sgcc@sgcc.uz
Тел: (0 375) 552-41-60; 98 775-57-73



Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоаси Туркиядаги халқаро турнирни ғалаба билан бошлади

Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоаси Туркиянинг Сиде шаҳрида “Turkish Women's Cup-2019” халқаро турниридаги иштирокини бошлади.

Миллий Олимпия қўмитаси расмий сайтининг маълум қилишича, вакилларимиз гуруҳ босқич илк турида Ҳиндистон терма жамоаси билан куч синашди. Уйин Баҳром Норсафаров шогирдларининг кичик ҳисобдаги

ғалабаси билан якунига етди. Ягона голни учрашувнинг 8-дақиқасида Малика Бурҳонова киритди.

Энди терма жамоамиз аъзолари 1 март куни Руминия терма жамоасига қарши баҳс олиб боради. Гуруҳ босқичининг сўнги турида олимпиячиларимиз 3 март куни ён қўшинимиз Туркменистон билан куч синашди.

ЎЗА

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёс Кенгаши Икромия қўмитаси ҳамда “XXI asr” ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти жамоаси газета бўлим мудири Озод Ражабовга отаси ТўРАБОЙ отанинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Диққат, акция! Маҳсулот ва хизматларини янада оммалаштириш ниятида бўлган тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

“XXI asr” ижтимоий-сийёсий газетаси “Имтиёзли обуна – 2019” акциясини уюштироқда. Унда фаол иштирок этганлар газета саҳифаларида ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари тўғрисида БЕПУЛ маълумот бериш имкониятини қўлга киритади. Бунинг учун 2019 йил учун газета таҳририяти билан тўғридан-тўғри йиллик 5 донадан 10 донагача обуна шартномаси тузилса, кифоя.

Акция доирасида оқ-қора рангда 800 минг сўм, рангли саҳифада эса 1 миллион сўмлик қийматда 1000 кв. см ҳажмдаги эълон, реклама, мақолалар “XXI asr” да обуначи учун қўлай муддатда БЕПУЛ чоп этилади.

Акция иштирокчилари рўйхати 2019 йил март ойида эълон қилинади.

Акция 2019 йил 31 мартгача давом этади.

Мурожаат учун телефонлар: (71) 255-68-50; 255-45-08; 215-63-80.
Банк реквизитлари: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шўъба филиали
Ҳисоб рақам: 20208000904296447001
МФО 00987; ч ИНН 204746574.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73-уй.

<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HAKKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XSKI IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p>	<p>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Таҳрир хайъати:</p> <table border="0"> <tr><td>Ақтам ХАМИТОВ</td><td>Аҳам ШОДМОНОВ</td></tr> <tr><td>Бахтиёр ЯКУБОВ</td><td>Тулқин ЭШНАЗАРОВ</td></tr> <tr><td>Алишер СУЛТОНОВ</td><td>Виктор ПАК</td></tr> <tr><td>Мавлуда ХУЖАЕВА</td><td>Насриддин АЛИМОВ</td></tr> <tr><td>Сирожиiddин САЙИД</td><td>Аслиддин АЛИМАРДОНОВ (Бош муҳаррир уривбосари)</td></tr> </table>	Ақтам ХАМИТОВ	Аҳам ШОДМОНОВ	Бахтиёр ЯКУБОВ	Тулқин ЭШНАЗАРОВ	Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК	Мавлуда ХУЖАЕВА	Насриддин АЛИМОВ	Сирожиiddин САЙИД	Аслиддин АЛИМАРДОНОВ (Бош муҳаррир уривбосари)	<p>Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73-уй.</p> <p>Электрон почта: xxi_asr@umail.uz</p> <p>Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибхона – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45; 71 255-68-50</p>	<p>“XXI asr” ижтимоий-сийёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.</p> <p>Буюртма рақами: Г – 258 Тираж: 4713 Баҳоси келишилган нархда. ЎЗА якуни – 21:35 Топширилди – 01:30</p>	<p>Таҳририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манабу сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри таҳририят нўқтан назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер</p> <p>Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2181-497X</p> <p>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456</p> <p>Навбатчи муҳаррирлар: Нурдин ЭЛМИРЗАЕВА, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.</p>
Ақтам ХАМИТОВ	Аҳам ШОДМОНОВ														
Бахтиёр ЯКУБОВ	Тулқин ЭШНАЗАРОВ														
Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК														
Мавлуда ХУЖАЕВА	Насриддин АЛИМОВ														
Сирожиiddин САЙИД	Аслиддин АЛИМАРДОНОВ (Бош муҳаррир уривбосари)														